O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ватан ҳимояси — иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

**2009** йил, **13** февраль, жума № **7** (2290). | Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Пятница, **13** февраля, **2009** год, № **7** (2290). | Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда келишилган нархда

E-mail: vatan@rol.uz

В розницу - цена договорная

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА КЎРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯХШИЛАШ ИМКОНИНИ БЕРДИ, УЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНИШ ДАРАЖАСИ ЖИДДИЙ РАВИШДА ОШДИ, АҲОЛИ ОРАСИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ТУБДАН ЎЗГАРДИ.

**Ислом КАРИМОВ**

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

**Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридан хушхабар келди: ўн беш мамлакат вакиллари иштирок этаётган халқаро болалар ва ўсмирлар мусиқа фестиваль-конкурсида Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи ўқувчилари – Мухтор Муҳаммадалиев биринчи, Дилноза Тўраева эса учинчи ўринни қўлга киритди.**

Мамлакатимизда ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама ривожлантириш, йигит-қизларни миллий қадриятлар ва юксак инсонпарварлик анъаналари асосида тарбиялаш масаласи Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. Бу борада яратилган қулайликлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз жамиятимизнинг бошқа жабҳалари қатори маданият ва санъат соҳасида ҳам юксак натижаларга эришмоқдалар. Биргина Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейидан ўтган йили қирқ олти нафар ўғил-қиз миллий ва халқаро танловларда совринли ўринларни қўлга киритгани бунинг далилидир.

Санкт-Петербургда М.Муҳаммадалиев афғон рубобида, Дилноза Тўраева эса фортепьянода чалган куйлар санъат мухлислари ва мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди.

– Ёшларимизнинг бундай ютуқлари замирида давлатимиз раҳбарининг навқирон авлод камолотига қаратаётган алоҳида эътибори, халқимизнинг санъат ва маданиятга бўлган юксак муҳаббати, юртимизда фаровон келажакни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бераётган самаралар мужассам, – дейди Республика ихтисослашган мусиқа академик лицейи директори Б.Қурбонов. – Шуниси эътиборлики, мамлакатимизда ўқувчиларга мусиқий таълим беришнинг мукаммал тизими шаклланган. Дунёнинг бирор мамлакатида қиёси бўлмаган бундай тизим иқтидорли ёшларни ўз вақтида аниқлаш, уларга жаҳон андозалари ва халқимизнинг миллий анъаналари асосида пухта билим бериш, ижодий маҳоратини босқичма-босқич ошириб боришда яхши самаралар бераётир.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009–2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури улғайиб келаётган авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларга ўз салоҳиятини тўла намоён этишида яқиндан кўмаклашиш, келажак эгаларини миллий мусиқий меросимизга эҳтиром руҳида тарбиялашга йўналтирилган хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**



Бахром АБДУРАХИМОВ суратга олган.

***Аскарлик – шарафдир, мардлик, матонат!***

## HAFTADAN HAFTAGACHA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Депутатлар кун тартида белгиланган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилишди.

●

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг савдо, иқтисодиёт, ёқилғи-энергетика, банкмолия, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, спорт ва маданият, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

●

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини янада ошириш юзасидан бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев бошқарган йиғилишда ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, жамият ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ фаол хотин-қизлар иштирок этди.

**ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.**

## ШУ СОНДА


- **Программа углубления стратегии реформирования** 3
- **Истиқлол тенгдоши хизматга отланди** 6
- **Ҳарбий оилада уч эгиз фарзанд** 8
- **Халоскор жониворлар** 9
- **Лифт ёрдамида фазога** 11
- **TV дастур** 12-13
- **Сканворд. Гороскоп. Табассум** 15
- **Контакт линза – трансляция қилади** 16
- **Мағрибу машриқни лол айлаган зот** 20
- **Оддий аскар – Умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси ғолиби** 24




2 СЕНИНГ ҚАҲРАМОНЛАРИНГ, ЎЗБЕКИСТОН!

МАРДЛИК МАКТАБИДА ТОБЛАНИБ



4 ЎҚУВ МАВСУМИ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА

МАШҚЛАРДА ЮКСАЛАР МАҲОРАТ



7 ЧАҚИРУВ–2009

ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚҚАН КУН



19 МАЪНАВИЯТ

ВАТАН, КЎРАР КЎЗИМ, АЙТАР СЎЗИМСАН

# МАҲОРАТ

В Ташкентском военном округе

## ПОВЫСИТЬ ЛИЧНУЮ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ



В Центральном Доме офицеров состоялось заседание Военного совета Ташкентского военного округа.

На заседании были заслушаны доклады офицеров управления, представителей исполнительной власти на местах, ответственных за призывную кампанию. Были рассмотрены вопросы хода реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию условий прохождения гражданами срочной военной службы в Вооруженных Силах Республики Узбекистан», органами управления и воинскими частями войск ТВО.

Особый акцент был сделан на необходимость повышения личной ответственности председателей и членов призывных комиссий по обеспечению законной обоснованности, объективности принятых ими решений, улучшения состава медицинских комиссий.

В ходе заседания Военного совета, его участники акцентировали внимание и на необходимости углубленного и детального изучения, а также исполнения Обращения Президента Республики Узбекистан, посвященного 17-летию образования Вооруженных Сил Узбекистана, в частях и подразделениях, среди всех категорий военнослужащих. Данный программный документ, безусловно, является руководством к действиям для всего личного состава.

По итогам заседания были приняты соответствующие решения.

**Капитан Хасан МИРЗАЕВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

«Лучший командир группы»

## ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ РОСТ ОФИЦЕРА

**О старшем лейтенанте Жасуре Хуррамове друзья и сослуживцы отзываются как о трудолюбивом, целеустремленном офицере. Недавнее участие в республиканском туре конкурса на звание «Лучший по профессии» в Вооруженных Силах» позволило ему еще больше развить ценные лидерские качества.**

Вначале офицерской карьеры он не торопился участвовать в конкурсах. А потому сослуживцы все настойчивее советовали отбросить сомнения и включиться в состязание. Дебют старшего лейтенанта Ж. Хуррамова в декабре минувшего года вышел удачным: он стал «Лучшим командиром группы» в войсках своего округа.

– У старшего лейтенанта Хуррамова качества лидера проявились и раньше, – отзывается о нем капитан Шерзод Джалилов. – С первых дней службы он повел своих подчиненных на достижение побед в учебном процессе. Также успешно он собрал под своим началом футбольную команду. Вместе они заняли третье место в чемпионате округа.

Вот и огневая группа под его командованием находится на хорошем счету не только в батарее, но и в части. Перед участием в финальном туре старший лейтенант Ж. Хуррамов принял участие в состязании на лучшего специалиста артиллерии. Это стало отличной пробой сил, способствовало росту профессионального мастерства.

При сдаче нормативов по физической подготовке в беге на три километра с полной выкладкой молодой офицер сделал серьезную заявку на победу, преодолев дистанцию



за 11 минут 50 секунд. Этот задел он укрепил при выполнении упражнений по строевой подготовке, преодолении полосы препятствий, на огневом рубеже, в ходе сдачи тестов. И заслуженно вышел победителем.

В зимнем периоде обучения офицер настраивает своих сослуживцев на получение только отличных и хороших оценок. А участие в финальном туре укрепило его веру в свои силы, вооружило ценным опытом. Несомненно, эта первая победа вдохновила старшего лейтенанта Жасура Хуррамова на новые успехи в боевой учебе, развитие лидерских качеств.

**Майор Аблай КАМАЛОВ,**
**корр. «Ватанпарвара».**
Фото **Бахрома АБДУРАХИМОВА.**

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон!

## МАРДЛИК МАКТАБИДА ТОБЛАНИБ



**Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан юрт ҳимоячиларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишди. Шулар қаторида профессионаллик сари дадил одимлаётган кичик сержант Маъмур Атабоев ҳам «Содиқ хизматлари учун» медалига сазовор бўлган эди.**

Ватан меҳри, Ватан ишончи, буни биргина сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ватан чорловига муносиб жавоб бериб, элюрт корига камарбаста бўлиб келаётган лавҳамиз қаҳрамони кичик сержант Атабоев қалбида бу туйғулар доимо жўш уриб туради.

Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида вояга етган Маъмур ёшлигидан тенгдошлари орасида билими, дунёқараши билан ажралиб турарди. Мактабни аъло баҳоларга тугатган ўғлон биринчилардан бўлиб йигитлик бурчини ўташга отланди. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, командирлари эътиборига тушган йигит ҳеч иккиланмасдан ўзи орзу қилган касбни, яъни ҳарбийликни танлади. Мана бир неча йиллардан буён Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилиб келаётган кичик командир бугун асл профессионал бўлиб камол топмоқда.

...Гуруҳ командири офицер Илҳом Есихонов қўмондонликдан топшириқ олди. Топшириққа биноан, унинг гуруҳи белгиланган ҳудудда, тоғ дарасидан яширинча ҳаракат қилаётган шартли душманни топиши ва йўқ қилиши лозим. Гуруҳ командири қўл остидагиларни йиғиб, яна бир бор ким қандай ҳаракат қилиши лозимлигини тушунтириб, шартли душман тўғрисида тўпланган маълумотларни айтди. Гуруҳ топширилган вазифани бажаришга киришди. Мерган вазифасида хизмат қилаётган кичик сержант М.Атабоев шартли душманнинг асосий кучларини йўқ қилиши керак. Бир неча йиллик тажриба ва маҳоратга эга мерган бундай вазиятда қандай йўл тутиш лозимлигини яхши билади. Шу боис у биринчи галда маскировкага жиддий эътибор берди. Шундан сўнг, асосий гуруҳдан ажралиб, шартли душман жойлашиши мумкин бўлган ҳудудни кўздан кечирди. Етарли маълумот тўплаб, командирга ахборот берди. Командирнинг буйруғи билан гуруҳ аъзолари ўз позицияларини эгаллашди ва шартли душманнинг яқинлашишини кута бошлашди. Кичик сержант Атабоев ҳам ҳар томонлама қулай жой танлаб, ўрнашди. Командирнинг буйруғига кўра, мерган шартли душманнинг алоқачиси, командири, йўл бошловчиси ва мерганини йўқ қилиши шарт. Тахминан 300 метрлик масофадан нишонга олинган шартли душман йўл бошловчиси ерга қулади. Навбатдаги нишон шартли душманни бошқараётган командир бўлди. Бошланган пароканда-лик, тартибсизлик оқибатида гуруҳ пистирмага тушди ва яксон этилди. Вазифа аъло даражада бажарилди. Бунда кичик сержант Атабоевнинг хизматини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юқори қўмондонлик мерганнинг маҳоратини муносиб тақдирлади ва унинг намунали хизматини сафдошларига ўрнак қилиб кўрсатди.

– Кичик сержант Атабоевни анча йиллардан буён биламан, – дейди офицер Бобур Эргашев. – У билан бир гуруҳда хизмат қилганмиз. Ундаги тиришқоқлик ва талабчанликни жуда қадрлайман. Гуруҳ командирининг ўринбосари вазифасида хизмат қилиб юрган кезларида қўл остидаги посбонларга етакчилик қилгани, ортидан эргаштира олгани мақтовга сазовор. Қисқаси, у касбига, вазифасига меҳр қўйган йигит.

Кичик сержант Атабоев ўтган йили Қуролли Кучларимизда ўтказилган «Энг илғор мерган» танловида ўз шогирдлари билан иштирок этиб, юқори натижаларга эришди. Ўзи ҳам танловдан ташқари иштирокчи сифатида қатнашиб, мерганлик борасидаги бор билим ва маҳоратини намойиш этиб, ташкилотчилар эътиборига тушди. Шу боис у Мудофаа вазирининг буйруғига биноан йўриқчи мерган тоифасига эга бўлди.

– Бу каби танловларнинг ўтказилиши биз посбонларнинг касбий маҳоратимиз ошишида муҳим роль ўйнамоқда – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Нафақат танловда қатнашиш, балки унда кўп йиллик тажрибага эга бўлган ҳарбий хизматчилардан яна нималарнидир ўрганишимиз мумкин. Мен йўриқчи сифатида ўзимга бириктирилган мерганларни танловга тайёрладим. Қўл остимдагилар шартлардан муваффақиятли ўтишга бор куч ва маҳоратларини кўрсатишга уриниб, яхши натижаларни қўлга киритишди. Уларнинг муваффақиятини кўриб, қилган меҳнатларим, ҳаракатларим зое кетмаганидан мамнунман.

Дарҳақиқат, кичик командирнинг намунали хизмати, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида қўшаётган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ўйлаймизки, бундайин эътирофдан янада руҳланган кичик сержант Маъмур Атабоев келгуси хизматлари давомида ҳам юқори натижаларга эришиб, профессионалликнинг янгидан-янги чўққиларини забт этиб боражак.

**Аҳрор ОЧИЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Муаллиф суратга олган.**

# ОТКЛИК

За строкой Обращения Президента

# ПРОГРАММА УГЛУБЛЕНИЯ СТРАТЕГИИ РЕФОРМИРОВАНИЯ



**В Обращении Президента Республики Узбекистан, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил нашей страны, ставится задача «усилить внимание к дальнейшему реформированию нашей армии, ее оснащению современным оружием и техникой, повышению эффективности боевой и политической подготовки войск, в целом – усилению потенциала и боеспособности наших Вооруженных Сил».**

Большое значение в выполнении этой многоплановой задачи приобретает **«обеспечение дальнейшего совершенствования построения и боевого состава нашей армии, системы управления войсками».** В программе углубления реформирования Вооруженных Сил – это одна из фундаментальных и приоритетных задач. На современном этапе развития страны, в условиях усиления реальных угроз и вызовов нашей безопасности дальнейшее совершенствование Вооруженных Сил становится одной из самых важных и актуальных проблем обеспечения национальной безопасности. Тем более что военно-политическая обстановка в регионе не меняется к лучшему. Ее определяющими чертами являются рост и активизация международного терроризма и экстремизма, расширяющиеся масштабы наркоагрессии, опасность распространения оружия массового поражения. Особую угрозу безопасности создает осложнение военно-политической ситуации в Афганистане, где вот уже 30 лет продолжается братоубийственная война, гибнут мирные люди. Поэтому дальнейшее углубление стратегии реформирования и совершенствования всех видов и родов войск Вооруженных Сил выступает как самая насущная задача нашего времени.

Сложившиеся за годы реформирования структуры построения боевого состава армии, система управления войсками полностью оправдали себя и доказали свою жизнестойкость.

Анализ современных войн и военных конфликтов показывает, что **«сегодня Вооруженные Силы должны быть готовы, прежде всего, к ведению быстротечных, локальных боевых операций, эффективному противодействию незаконным (иррегулярным), хорошо оснащенным вооруженным формированиям и диверсионно-террористическим группам, которые могут использовать самые различные формы и методы осуществления вооруженных акций, направленных на нанесение существенного ущерба экономике, объектам жизнеобеспечения страны, жизни и здоровью ни в чем не повинных людей».**

Сегодня, можно сказать, что задача задач для командиров всех степеней – дальнейшее повышение мобильности, маневренности, самодостаточности боевых подразделений, их способности к быстрому развертыванию, эффективному реагированию на любые посягательства и угрозы национальной безопасности страны.

Решение этой многогранной задачи видится в резком повышении качества боевой выучки, тактического мастерства всех категорий военнослужащих. Суть проблемы состоит в том, чтобы научить их грамотно, по-современному вести боевые действия в самых сложных условиях боевой обстановки – в горах, пустынях, населенных пунктах, успешно решать другие общетактические задачи – совершать марши на больших скоростях, умело вести глубокую разведку, стремительно атаковать, грамотно маневрировать в ходе боевых операций, добиться, чтобы личный состав мог действовать в автономном режиме, эффективно решать общевойсковые тактические задачи современного боя. Решающая роль в этом принадлежит полевой выучке, тактическим и показательным занятиям, тактическим, тактико-специальным и командно-штабным учениям, в которых аккумулируется всесторонняя обученность войск.

В решении этих задач **огромная мобилизующая и направляющая роль принадлежит офицерам руководящего звена, повышению качества командирской подготовки.** Все занятия с офицерами следует строить так, чтобы учить их практическим навыкам организации боевых действий в самых различных вариантах, умению быстро и правильно оценивать обстановку, быстро принимать обоснованные решения, грамотно и ясно ставить задачи подчиненным, четко организовывать взаимодействие, активно вести разведку, действовать инициативно, смело и решительно. От командиров и штабов требуется оперативно доводить задачи до войск и обеспечивать непрерывное управление частями и подразделениями в любых условиях обстановки.

Высшим этапом обучения и боевого слаживания подразделений являются тактические, тактико-специальные учения, учения с боевой стрельбой, проводимые на незнакомой местности днем и ночью, в сложной тактической обстановке. Очень важно, чтобы каждое из них было тщательно подготовлено и проводилось с высокой степенью напряженности, чтобы военнослужащие в них действовали активно, решительно и умело.

В боевой, командирской и оперативной подготовке важно также научиться скрытно и умело маневрировать силами и средствами на решающих направлениях, научиться держать тактическую и стратегическую инициативу в своих руках.

В Обращении глава государства подчеркивает особую роль штабов всех родов войск и видов Вооруженных Сил, их усилия должны быть направлены **«на обеспечение тесного взаимодействия по своевременному выявлению и прикрытию уязвимых мест в системе обороны страны, охраны государственной границы, которыми могут воспользоваться деструктивные силы, диверсионно-террористические группы для совершения преступных акций».**

Это одно из важнейших стратегических положений, выдвинутых Верховным Главнокомандующим, которое требует от военных кадров во всей своей практической деятельности по овладению искусством управления войсками постоянно учитывать **важнейший принцип военного искусства: достижение победы в боевых действиях достигается совместными усилиями всех видов и родов войск Вооруженных Сил и всех средств вооруженной борьбы при максимальном использовании их боевых возможностей.**

Какие требования для военнослужащих всех видов и родов войск, всех солдат, сержантов и офицеров вытекают из первой стратегической задачи, поставленной перед нами в Обращении? Думаю, что главная общая задача для всех военнослужащих – **это постоянное повышение профессионального воинского мастерства.** Чем оно будет выше, тем качественнее будут решаться поставленные задачи. Необходимость высокого боевого воинского мастерства обусловлена рядом факторов.

1. Особенностями ведения боевых действий. В современных условиях они отличаются высоким динамизмом, маневренностью, скоротечностью. **Высокое боевое мастерство, готовность к реальному бою требуются сегодня, сейчас, и это должен глубоко осознать каждый воин.**

2. Внезапностью действий деструктивных сил. И тут от уровня боевого мастерства зависит способность быстро и эффективно отразить нападение и нанести незамедлительный точный огневой удар.

3. Усложнением военной техники и оружия, поступлением в войска новейшей военной аппаратуры, компьютерных и информационных технологий, которые требуют от воинов высокого интеллектуального развития, отточенного профессионализма, твердых навыков работы на технике, аппаратуре в самых различных условиях обстановки.

4. Возрастанием роли и влияния воинского мастерства на морально-психологическую и политическую подготовленность военнослужащего. Именно боевое мастерство придает воину психологическую устойчивость, укрепляет его веру в способность максимально использовать боевые возможности своего оружия и боевой техники.

Высокое боевое мастерство приобретается в ходе учебных занятий по боевой подготовке и в соревновании. Чтобы каждому военнослужащему иметь перед собой четкие ориентиры, раскроем суть вопроса: **из чего складывается воинское мастерство?** Основными его компонентами являются:

– высокая политическая закалка, глубокое знание особенностей военно-политической обстановки, умение анализировать ее и делать правильные практические выводы;

– глубокое знание военного дела, своего оружия и техники, наличие твердых навыков по их обслуживанию и боевому применению, умение устранять неисправности в полевых условиях;

– постоянное повышение классной квалификации, сокращение нормативов при обслуживании техники, подготовке оружия к боевому применению, знание и практическое использование передового, особенно боевого опыта;

– умение владеть смежными специальностями, уверенно и надежно выполнять служебные обязанности при взаимозаменяемости в экипаже, расчете; знание функциональных обязанностей на ступень выше своих штатно-должностных обязанностей;

– уверенные действия в условиях, максимально приближенных к реальному бою. Наличие сильной воли, стойкости, отваги, физической выносливости, инициативы и дисциплинированности, взаимной выручки, крепкой дружбы и войскового товарищества;

– высокая бдительность, образцовое несение боевого дежурства, караульной и внутренней службы, собранность и умение быть всегда в боевой готовности.

Каждому воину надо всегда помнить, что изначальной ступенькой восхождения военнослужащего к боевому мастерству является его техническая и специальная подготовка и глубокие политические знания, а мощным средством – соревнование под девизом: «Высокий патриотизм, боевая выучка и профессиональная подготовка, умелое владение оружием и техникой, содержание их в образцовом состоянии и постоянной готовности к действию при поддержании суровой воинской дисциплины – долг каждого военнослужащего».

**Анфим ХЛЫЗОВ.**

# АМАЛИЁТ

Ўқув мавсуми машғулотлари авжида

## МАШҚЛАРДА ЮКСАЛАР МАҲОРАТ

**Айни кунларда Қуролли Кучларимиз сафларида қишки мавсум ўқув машғулотлари қизғин паллага етган. «Юксак ватанпарварлик, жанговар малака ва профессионал тайёргарлик, қурол ва ҳарбий техникани моҳирона эгаллаш, уларни қатъий ҳарбий интизомни мустаҳкамлаган ҳолда намунали ва қўллашга доимий шай ҳолатда сақлаш – ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи» шиори остида ўтаётган мазкур ўқув мавсумида посбонларимиз ҳар томонлама тайёргарликларини мустаҳкамлаб, чинакам профессионалликка эришиш учун олға интилишмоқда.**

...Дала-ўқув машғулотлари майдони. Катта лейтенант Андрей Любивийнинг буйруғига биноан взвод шахсий таркиби жанговар сафга тизилди. Командир шахсий таркибни тезда кўрикдан ўтказди. Бунда ҳар бир ҳарбий хизматчининг ташқи кўриниши, жанговар анжомлари, саломатлиги ва руҳий ҳолати каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Шундан сўнг юқори қўмондонлик томонидан қўйилган вазифа посбонларга етказилар экан, ҳаракатланиш чоғида эътибор қаратиш лозим бўлган асосий талаблар ва техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Шундан сўнг взвод маълум ҳудудга ўрнашиб олгани эҳтимоли тутилаётган шартли душман тўдаларини йўқ қилиш учун гуруҳларга бўлинишди. Гуруҳ командири катта лейтенант Фарҳод Раҳимов етакчилигидаги посбонларга сездирмасдан, тезлик билан шартли душманнинг орқа томонидан айланиб ўтиш ва ҳужумга шай туриш вазифаси топширилди. Асосий кучлар эса тўғридан бориши кўзда тутилди.

Қурол-аслаҳалари шай, ҳар қадамда ҳушёр ва сергак ўғлонлар маълум тартиб билан олға интила бошладилар. Олдинда кузатувчи ва муҳандис, улардан маълум масофа ортда асосий кучлар жанговар учбурчак ва тўртбурчак ҳосил қилишган ҳолда олға интилишмоқда. Топшириқни уддалаш учун дала машғулотлари ўтказилаётган ҳудуддаги тоғдан ўтиш керак. Шартли душман ҳам анойи эмас. Пана-пастқамликларда пистирма қўйган бўлиши мумкин. Ана шу пистирмаларга тушмаслик учун ғоят эҳтиёткорлик ва тезкорлик билан ишончли тарзда интилиш талаб этилади.



Алоқа аппаратига сигнал кела бошлагани маълум бўлди. Шартли душманга орқа томондан зарба бериш вазифасини олган гуруҳдагилар алоқага чиқаётган эди. Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Қодир Рўзиев командирнинг буйруғига биноан «Биз тайёр, ҳаммаси жойида» деган мазмунда асосий кучларга ахборот йўллади. Бу вақтда асосий кучлар ҳам белгиланган манзилга етиб келиб жойлашиб олишган, ҳужумга ўтиш учун буйруқ берилишини кутаётганди. Командир вазиятни чамалаб кўраркан, тезда мерганларга ва гранатомётчиларга тегишли вазифа қўйди. Офицер Фарҳод Раҳимовга буйруқ берилгани ҳақидаги сигналдан сўнг ҳаракатланиш зарурлиги алоқа воситаси орқали маълум қилинди.

Шартли душман бартараф этилди. Мазкур машғулотнинг сифатли ўтишида шартнома бўйича хизмат сержантлари – Қодир Рўзиев, Мўмин Қўчқоров, Лазиз Содиқов, Анвар Қобилов, Элёр Саидмирзаев, Тоир Исломов ва Бахтиёр Сатторовлар алоҳида маҳорат ва матонат намуналарини кўрсатдилар.

– Посбонлар гарчи дала-ўқув машғулотларида бўлишса-да, улар билан нафақат жанговар-тактик ва жисмоний, балки ижтимоий-сиёсий тайёргарлик ҳамда тарбиявий ишлар ҳам режага мувофиқ олиб борилмоқда, – дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари катта лейтенант Баҳром Юсупов. – Посбонлар ўқув мавсуми давомида янги муваффақиятларга эришиш учун доимо олға интилишлари, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб, юксак чўққиларни забт этишга шайланишлари зарур. Шу боис тайёргарликларга доимий эътибор қаратилган. Посбонлар тайёргарлик машғулотларида фаол қатнашиб, эришилган натижаларни мустаҳкамлаб, янгидан янги ютуқларни қўлга киритишлари, умуман олганда, ҳарб илми сабоқларини ҳар томонлама такомиллаштириб, малака ва маҳоратларини юксак даражага кўтаришлари зарурдир.

– Президентимизнинг Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан эълон қилинган Мурожаатида армияни яна ҳам такомиллаштириш, жанговар шайликни ошириш, замонавий ҳарб илмини эгаллаш борасида амалга ошириш зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилган ва биз айни пайтда Мурожаатни чуқур ўрганаяпмиз, – дейди кичик сержант Лазиз Содиқов. – Унда белгилаб берилган вазифаларни бажаришга ҳар бир юрт ҳимоячиси ўзини чоғлаши, тинмай ўқиб-ўрганиб, назарий ва амалий билимларни пухта эгаллаши ўқув мавсуми давомида посбонлардан талаб қилинадиган асосий жиҳатлардандир. Ана шунда сарҳадларимиз дахлсизлиги мустаҳкам кафолатланиб, осойишталигимиз барқарорлиги юксак даражада таъминланади.

– Бугун сержантларга Қуролли Кучларимиз раҳбарияти ва ҳукуматимиз томонидан ишонч билдирилиб, уларга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Анвар Қобилов. – Бу эса ўз навбатида биз посбонларнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Биз ўз хизмат вазифамизни намунали тарзда бажаришимиз, ҳар томонлама тайёргарлигимизни мустаҳкамлаб, касбий маҳоратимизни ошириб бориш билан ёш аскарларга ўрнак бўлишимиз лозим.

Ҳа, жисмонан етук, кенг дунёқараш эгаси, чуқур билим ва салоҳият соҳиби бўлган бу ўғлонлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Мазкур сифатларга эга бўлиш эса ютуқ ва муваффақиятлар асосидир.

**Катта лейтенант Ёшин ҲАКИМОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**

## ҲАРБИЙЛИКНИ ШАРАФ БИЛАР, ЎҒЛОНЛАР

**Бугун шуни қувонч билан айтишимиз мумкинки, ҳаёт мактаби, деб аталмиш армия ёшларимизнинг катта ҳаётга қадам қўйишларида, уларнинг баркамол, жисмонан ва маънан шаклланишларида, жамиятда ўз ўринларини топиб олишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.**

Маълумки, шу кунларда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган йигитлар резервга бўшатилиш арафасида. Ҳаёт мактабида ҳар томонлама тобланган йигитлар ҳозирданоқ келгуси режаларини амалга ошириш мақсадида интиляптилар. Сир эмаски, бугунги кунда ҳарбийликдек шарафли касбни танлаш ниятида бўлган ёшларимиз талайгина. Кимдир олий ҳарбий билим юртига ҳужжат топшириш мақсадида бўлса, яна кимдир хизматини шартнома асосида давом эттириш ниятида.

Шу кунларда Тошкент ҳарбий округи қисм ва бўлинмаларида хизмат қилаётган аскарлар орасидан шартнома асосида хизмат қилишни хоҳлаганлар учун синовлар ўтказилаяпти.

– Йилдан-йилга армия сафларида хизмат қиламан, ҳаётимни шу соҳага бағишлайман деган йигитларнинг сони ортиб бораяпти, – дейди округ ҳарбий касбий танлов бўлинмаси бошлиғи офицер Нигматилло Аралов. – Жорий йилда ҳам талабгорлар кўпчиликни ташкил этади. Аввало, уларнинг хизматлари давомида эгаллаган мутахассисликлари, орттирган билим ва маҳоратларини инобатга оламиз. Қисм тиббий комиссиясидан ўтган йигитлар кейинги босқичларда бир қатор синовлар асосида саралаб олинади.

Синов жараёнини кузатар эканмиз, йигитларнинг мақсадлари сари бор куч ва имкониятларини ишга солиб, интилаётганларининг гувоҳи бўлдик. Улар югуриш, турникда тортилиш, математика ва она тили ҳамда руҳий синовлар бўйича имтиҳондан ўтишмоқда.

– Ҳар бир йигит қалбида олдига қўйган мақсадига эришишдек эзгу ният мужассам, – дейди бўлинма иш юритувчиси шартнома бўйича хизмат оддий аскари Шаҳодат Юлдошева. – Бунга тест ва ёзма ишлар жараёнида иштирок этиб, амин бўлдим. Уларнинг фикрлаш доираси менда катта таассурот қолдирди.

– Армияга келиб, ҳарбийлик касбига нисбатан меҳрим ошди, – дейди оддий аскар Шодиёр Мусурмонов. – Оиламдагилар билан маслаҳатлашиб, ҳаётимни шу соҳа билан боғлашга қарор қилдим. Ўтказилаётган синовлардан муваффақиятли ўтиб, яхши натижаларга эришаяпман. Айниқса, малика Тўмарис ҳақидаги ёзма ишим комиссия томонидан «аъло»га баҳоланди. Бу мени янада руҳлантириб, кейинги босқичлардан ҳам юқори натижага эришишимда асқотмоқда.

Дарҳақиқат, аскарлардаги шижоат, билим ва интилиш албатта уларни кўзлаган мақсадларига етказиши, шубҳасиз.

**Аҳрор ПОЗИМОВ.**

# ҲУҚУҚ

## ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ – МАЪРИФИЙ ВА ТАРБИЯВИЙ УСУЛ

**«Ҳарбий ҳуқуқ ва унинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида интизомни мустаҳкамлашдаги аҳамияти» мавзусида сўз юритар эканмиз, аввалambор кейинги йилларда Президентимиз бошчилигида халқимиз осойишталиги ва фаровон турмуши, Ватанимиз тинчлиги ва тараққиёти, мустақиллигимиз барқарорлиги йўлида амалга оширилаётган муҳим ишлар қаторида, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ва уларнинг Қуролли Кучларимиздаги аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишимиз даркор.**

Ҳарбий салоҳиятимизни юксалтиришда амалга ошираётган муҳим ишлар қаторида ҳарбий хизматчиларнинг яшаши ва хизмат қилиши учун яратилаётган қулай шарт-шароитларни, уларга берилаётган имтиёзлар ва оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояланишини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Профессионал, ҳар томонлама таъминланган, тезкор ва ихчам армиямизни шакллантириш борасидаги ислоҳотлар аввало мустаҳкам ҳарбий интизомга эга, қонунларимизга, шу жумладан «Умумҳарбий низомлар»га ҳурмат билан қарайдиган ҳарбий хизматчиларни тарбиялашни тақозо этади.

Президентимиз Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган Мурожаатларида армиямизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтириш борасидаги энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Унда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш зарурлиги, барча бўғиндаги командирлар ва аскарларда юксак маънавий, ахлоқий фазилатларни шакллантириш, армия амалда ёшларни маънан, жисмонан баркамол ва етук инсон сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шартлиги таъкидланди.

Мазкур вазифа армияда ҳарбий интизомни янада юксак даражага кўтаришни, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашни тақозо этади.

**Қуролли Кучларда қонунийлик** – бу қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат органлари, Қуролли Кучларнинг барча тузилмалари, ҳарбий мансабдор шахслар ва барча ҳарбий хизматчилар ҳамда хизматчиларнинг оғишмай амал қилишидир. Қуролли Кучларда қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларга тўла риоя этишни таъминловчи восита ва шароитлар қонунийликнинг кафолатлари ҳисобланади. Бундай кафолатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ташкилий, мафкуравий, махсус юридик жиҳатлари бор.

Қуролли Кучларимизда қонун ва қонунга асосланган ҳужжатларни татбиқ этиш ва уларнинг назоратини таъминловчи самарали механизмнинг мавжудлиги қонунийликнинг ташкилий кафолатидан дарак берса, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги даражаси, ахлоқий тарбияси қонунийликка мафкуравий кафолат беради. Қонунийликнинг таъминланиши учун амалдаги қонунчиликда мавжуд усул ва воситалар махсус юридик кафолат вазифасини бажаради.

**Қуролли Кучларда ҳуқуқ-тартибот** – Қуролли Кучлар тузилмаларида, ҳарбий жамоаларда тартибни сақлаш учун давлат органлари, қўмондонликлар ва жамоатчилик томонидан ижтимоий меъёрларни ҳарбий хизматчилар ҳаётига татбиқ қилиш фаолиятидир. Шу билан бирга ҳуқуқ-тартиботни амалга оширишда ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган ахлоқ, одоб, анъаналар мувофиқлиги таъминланади. Қуролли Кучларда ҳуқуқ-тартибот давлат томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар орқали амалга оширилади.

Қуролли Кучларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқ-тарғиботнинг ўрни ва роли муҳимдир.

Чунки **ҳуқуқий тарғибот** – бу жамият ва давлатнинг (шунингдек, Қуролли Кучларимизнинг) ҳуқуқий сиёсатини, стратегик мақсадини ҳарбий хизматчилар ва хизматчиларга етказишга қаратилган маърифий ва тарбиявий усулдир.

Ҳарбий прокуратура органлари, прокурор-тергов ходимлари ўзларига бириктирилган ҳарбий қисмларда командирлар ва уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари билан ҳамкорликда шахсий таркибнинг тарбияси, ҳарбий интизоми, ахлоқий-руҳий аҳволи ҳамда ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ва ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазаси, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, шахсий таркиб ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, ҳарбий жамоаларни жипслаштириш, ҳарбий хизмат шароитларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича аниқ ва режали ҳуқуқий-тарғибот тадбирларини амалга ошириб келяпти.

Қуролли Кучларда ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиб ўтказилаётган тадбирлар, ўқув амалий, услубий фильмлар ва турли кўринишдаги видеолавҳалар ўзининг ижобий самарасини беради, деб ўйлайман.

2008 йилда Республика Ҳарбий прокуратураси Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда «Ягона ҳуқуқий билимлар куни», ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир қонунларни тарғиб қилиш ҳамда улар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида «Ҳарбий хизматчилар ўртасида низомга зид муносабатлар, унинг салбий оқибатлари ва бу ҳолатларнинг олдини олиш» мавзусида ўқув-услубий видеофильмлари тайёрланди. Жойларда бу фильмларни ҳарбий хизматчилар ўртасида намойиш қилиш орқали Қуролли Кучларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказишда фойдаланиляпти.

Ҳарбийларимиз ўртасида хизматдан ташқари вақтда жамоат жойларида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун уларнинг қандай ишлар билан машғул бўлаётганлиги, ён атрофидаги шахслар, дўстлари қандай инсонлар эканлигини ўрганишимиз, улар ўртасида ўтказаётган тушунтириш ва ҳуқуқ-тарғибот тадбирларимиз давомида ҳарбийлар жамоат жойларида ёки оила даврасида ўзларини қандай тутишлари, жамиятнинг илғор кишиларидан эканликларини намоён эта билишларини онгларига сингдиришимиз лозим.

Қуролли Кучларимизда интизомни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчиликнинг ролини ошириш ва уларнинг бу жараёндаги иштирокини самарали таъминлашимиз даркор, деб ўйлайман.

Ҳарбий қисм ва муассасаларда фуқаролар, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари томонидан қилинаётган мурожаатлар бўйича амалга оширилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини доимий ривожлантириб бориш керак. Қуролли Кучлар тизимида фуқароларни асоссиз қабул қилмаслик, мурожаатларни эътиборсиз қолдириш, ҳуқуқларини поймол этиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мунтазам амалга оширилиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўринда ҳарбий қисм ва муассасалар командир, бошлиқларининг масъулиятини янада оширишимиз даркор.

Қуролли Кучларимизда интизомни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга ҳар бир ҳарбий хизматчи ўз ҳиссасини қўшиши, шу мақсадда Ватан, халқ олдидаги юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда сидқидилдан ҳарбий хизматни ўташи, давлат мулкини асраб-авайлаши, амалдаги қонунчиликка нисбатан ҳурмати билан ўрнак бўлиши, ҳарбий низомлар, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажариши армиямизда юксак ҳарбий интизомни таъминлашимизга ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларимизда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Адлия подполковниги Саидобид ЖЎРАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ўринбосари.**

## КООРДИНАЦИЯ СОВМЕСТНОЙ РАБОТЫ

За годы независимости в Республике Узбекистан проведена огромная работа по строительству национальных Вооруженных Сил, отвечающих современным требованиям, являющихся надежным гарантом суверенитета государства – мобильных и хорошо вооруженных, способных дать достойный отпор любым посягательствам на неприкосновенность наших границ, мир и стабильность страны.

Говоря об этом, Президент Республики Узбекистан, Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами И. А. Каримов в своем Обращении, посвященном 17-летию образования Вооруженных Сил нашей страны, подчеркнул, что избранная нами стратегия по модернизации, демократическому обновлению страны обязывают усилить внимание к дальнейшему реформированию армии, ее оснащению современным оружием и техникой, повышению эффективности боевой и политической подготовки войск, в целом – усилению потенциала и боеспособности Вооруженных Сил.

Большую помощь командованию Вооруженных Сил в качественном выполнении задач, поставленных перед войсками, оказывают ведомственные контролирующие службы и подразделения, которые осуществляют жесткий контроль за соблюдением требований Уставов и других нормативных актов в ряде сфер жизнедеятельности воинских частей и учреждений.

В то же время общий надзор за соблюдением требований Конституции, законов и правительственных решений в Вооруженных Силах осуществляют органы военной прокуратуры.

Эффективность контроля и надзора в войсках во многом зависит от взаимодействия военных правоохранительных органов и контролирующих служб Вооруженных Сил, координации их работы во имя достижения общей цели – обеспечения высокой воинской дисциплины и предупреждения правонарушений среди военнослужащих.

Этим вопросам было посвящено координационное совещание военных правоохранительных органов и контролирующих служб Вооруженных Сил, прошедшее 31 января 2009 года в Военной прокуратуре Республики Узбекистан.

Участники совещания обсудили итоги работы за минувший год, наметили задачи на 2009 год, рассмотрели вопросы укрепления взаимодействия и повышения эффективности координации профилактической работы.

**Подполковник юстиции Юнус МУТАЛИЕВ,**
**начальник отдела по защите прав и свобод Военной прокуратуры Республики Узбекистан.**



## САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

**Тошкент шаҳар адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Тадбир аввалида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллиги, аҳоли ва ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонликни тарғиб қилишдаги самарали фаолияти учун Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи ўқувчиларидан иборат ёш тарғиботчилар гуруҳи Адлия вазирининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Анжуманда сўзга чиққанлар жамиятда ҳуқуқий саводхонлик даражаси, аҳолининг ҳуқуқ-тартибот идоралари тўғрисидаги тушунчаси, мамлакатимиздаги фаол қонунчилик жараёнига муносабат, бу борада журналистлар зиммасидаги долзарб вазифалар хусусида фикр билдиришди.

– Анжуман давомида йиғилганлар эътиборига ҳавола қилинган маълумотлар орқали адлия тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини теран англадим, – дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари Барно Аҳмедова. – Лицейимизда «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда ҳуқуқий соҳага қизиқадиган, бу борадаги илмларни ўзлаштиришга интиладиган фаол ва билимли ёшлардан ташкил топган тарғибот гуруҳи фаолият юритиб келмоқда. Бугунги тадбирда келгусида ана шу гуруҳ фаолиятини янада яхшилаш борасида қимматли маълумотлар олдик.

**Жамшид НИЁЗОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# ЧАҚИРУВ–2009

# СЕН ҲАМИША МУЗАФФАР БЎЛ, ЎҒЛОН!

## ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШЛАРИ

Она Ўзбекистонда истиқлолнинг ҳуш насимлари эса бошлаганига ҳам ўн саккиз йил бўляпти. Ўн саккиз йил... Бу йиллар давомида муборак мустақилликдан баҳраманд озод, ҳур фикрли, ўктам бир авлод шаклланди. Бугунги кунда ана шу музаффар авлод юрт ҳимоясига елка тутишга шайланиб турибди.

Бугун мустақил мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳар томонлама мукаммаллик касб этди, дейишга тўла ҳақлимиз. Олиб борилган изчил ислоҳотлар самарасини кўрсата бошлади. Ҳарбий хизмат нуфузи салмоқли даражада ошди. Ёшларимиз учун ҳарбий хизмат нафақат она Ватан олдидаги фарзандлик бурчини ўташ балки том маънода шон-шараф ишига айланди. Миллий армиямиз миллий қадриятларимиз ҳамда замонавий андозалар билан уйғунликда батамом янгича қиёфа касб этди. Унда кўплаб ўзгаришлар, янгиланишлар юз берди. Муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақириш тизимига ўтилиши ҳам ана шундай салмоқли ва эзгу ишларнинг маҳсулидир.

Мана, шу кунларда миллатнинг энг сара ўғлонлари юрт ҳимоясига отландилар. Улар оддий йигитлар эмас, истиқболи порлоқ, нурли бўлган истиқлол тенгдошларидир. Чақирилувчи Музаффар Мирзаалиев ана шундай ёшларимиздан биридир.

## УЧ ЎҒЛОННИНГ КЕНЖАСИ

Уста Ортиқ ака Мирзаалиев пойтахтнинг Катта Қаъни маҳалласида яшайди. Маҳалласида, ҳатто ундан олисларда ҳам қўли гул устани кўпчилик танийди, ҳурмат билан тилга олади. Улар Шоҳиста опа билан тўрт фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Бу оилада болаларнинг ҳунарли бўлишларига кўп эътибор қаратадилар. Шу сабабли бўлса керак, уч ўғилнинг қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ.

Аммо уларнинг орасида бугун ҳарбий хизматга отланаётган Музаффарнинг ўрни бўлакча. У мактабда аъло баҳоларга ўқиш билан биргаликда отасидан устачилик сир-асрорларини ҳам қунт билан ўрганди, ҳатто новвойлик қилишни ҳам дўндириб қўяди.

– У менинг кенжа ўғлим, – дейди Шоҳиста опа меҳр билан. Акалари онасига эркалик билан ҳазиллашадилар:

– Энг севимли ўғлим денг, биз ўзимизни эшитмаганга солиб турамиз.

Оналари эса беозор кулимсираганича ҳарбий либоси ўзига ярашиб турган, юрт ҳимоясига отланаётган ўғли Музаффарнинг елкаларини меҳр билан силаб-сийпалайди, уни бағридан бўшатгиси келмайди. Аёл мени унчалик ҳам эшитмаётганини сезаман, буни акалар ҳам пайқадилар ва укалари ҳақида ўзлари гапира бошладилар:

– У бизга ўхшамайди, оғир-вазмин, ўйлаб иш қилади, – дейди катта акаси Ғайратжон.

– Музаффарнинг қўлидан келмайдиган иш йўқ, – дейди кичик ака Ҳикматжон. – У ҳарбий бўлишни қичқиналигидан орзу қилишини биламан.

Аммо фарзанд ҳақида унинг онасидан ҳам кўра кўпроқ биладиган одам бўлмайди-да.

– Музаффарим камгап йигит, – дейди Шоҳиста опа. – Орзулари катта, кўп ҳунарларни эгаллаган бўлса ҳам ҳарбийликка қизиқиши бўлакча. Мана, бу йўлда дастлабки катта қадамни ташлади. Илоё йўллари ҳамиша ёруғ бўлсин!

– Муддатли ҳарбий хизматга лойиқ топилганимдан беҳад хурсандман, – дейди унинг ўзи биз билан суҳбатда. – Мен кейинчалик ҳам ҳаётимни ҳарбий соҳага бағишлашни орзу қиламан. Давлатимиз раҳбарияти биз ёшларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётгани ҳар қадамда кўзга ташланиб туради. Уйимиз остонасини тарк этар-этмас бизни бош-оёқ шу фаслга мос ҳарбий либослар билан таъминлашларининг ўзиданоқ буни билиб олса бўлади. Мен истиқлолга тенгдошман. Масъулиятим бошқаларникига қараганда кўпроқ деб ўйлайман. Мустақилликнинг илк авлодлари вакили сифатида Ватан хизматига отланаётганимдан ифтихор қиламан.

Ҳа, Истиқлол авлодининг фикрлари ўзига хос, бу авлоднинг ўзига ишончи баланд, бу авлодга миллатнинг ҳам меҳри баланд.

## БОБОСИГА ТОРТГАН ДАВРОН

– Ўғлим Даврон худди бобосига ўхшайди, – дейди чақирилувчи Солижоновнинг онаси Юлдуз опа. – Бобоси узоқ йиллар заводда ишчи бўлиб ишлаганлар, ҳақиқатни севадиган, ҳалоллик, тўғриликни беҳад қадрлайдиган инсон улар. Сиз кўзёшларимга эътибор берманг, мен Давронга қараганим сайин қувончдан беихтиёр кўзларимга ёш келяпти. Ҳарбий либоси бирам ўзига ярашган. Мен хавотир олмаяпман, фахрланаяпман, яна бироз ҳаяжонланяпман...

Ҳа, уларнинг ҳаяжонини тушунса бўлади. Чунки Даврон оилада тўнғич фарзанд, яна энг тўнғич набира. Бобоси Восил ака ҳассага таяниб уни ҳарбий хизматга кузатишга чиққанлар:

– Набирам юзимизни ерга қаратмайди, – дейдилар фахр билан. – Жуда билимдон бола. Суҳбатидан маза қиласиз. Бу ёшлар қаердан бунчалик кўп нарсани биладилар деб баъзан ҳайрон қоламан. Юртбошимиз ҳам ёшларга катта эътибор қаратяптилар. Сафдаги норғул, азамат йигитларга қараб туриб завқим келяпти. Қани энди мен ҳам уларнинг қаторида бўлиб қолсам.

Шу пайт суҳбатимизга яна бир чақирилувчи Равшан Алимовнинг отаси Рустам ака Алимов қўшиладилар:

– Фарзандларимиз учун бир яхши даврон келди-да. Эътибор, ғамхўрликни қаранг. Уларга қараб туриб ўзимнинг ҳарбий хизматга борган давларим ёдга тушиб кетди. Тартибсизлик, биров бировни тингламайдиган, бошқарувсиз издиҳомга ўхшар экан у даврлар. Мустақилликнинг шарофати мана шундай кунларда янаям ёркинроқ намоён бўлади. Бу кунларнинг қадрига етмоқ керак.

## САРДОР РАҲИМХОН ҚУТЛАЙДИ

Пойтахтлик ўғлонларни ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимида ёшларимизнинг севимли хонандалари Сардор Раҳимхон иштирок этди:

– Мен ҳам бундан беш йил аввал худди сизлар каби муддатли ҳарбий хизматга жўнаганман. Ҳар гал кузатиш тантаналарига кўтаринки кайфият, қувонч билан келаман. Ва ҳар гал бир янги ва яхши ўзгаришга гувоҳ бўламан. Сизларга чин дилдан оқ йўл тилаб, ўзимнинг энг сара қўшиқларимни ҳадя қиламан. Шундай кунларда сизларга хизмат қилаётганимдан фахрланаман.

Ҳа, мустақиллик фарзандлари бугун катта йўлга чиқдилар. Улар она юртнинг юксак ишончини юксак шараф билан ўташларига аминмиз! Истиқлолнинг янги авлоди, сиз ҳамиша музаффар бўлинг!

**Инобат НОДИРШОҲОВА.**
**Алишер МУҲАММЕДОВ олган сурат.**



# В АРМИЮ – С ДВУМЯ ПРОФЕССИЯМИ

**Служить своему народу и Родине честно и верно – всегда первый наказ взрослых уходящим в армию молодым людям. С них начинали напутствие сыновьям родители и представители старшего поколения на торжественном митинге по случаю проводов призывников.**

Еще только вчера эти ребята готовились к срочной службе в армии. Сегодня же, в военной форме, в строю – это уже солдаты. У всех лица серьезные и сосредоточенные.

Саиджан Жаббаров, к примеру, из виноградного края Алтынсай. В хозяйстве «Ширин» успел три года поработать посбаном махаллинского комитета. Будучи допризывником, готовился стать пограничником, как старший брат Акбар. И добился поставленной цели – будет, как и брат, охранять границу. Проводить племянника приехала Жамиля Сафарова из соседнего с областным центром Термезского района. Человек в округе уважаемый за хорошие начинания, два срока подряд возглавляла махаллю «Сурхан сохили».

Еще один пример в подтверждение того, что среди новобранцев есть молодые люди подготовленные к предстоящим армейским испытаниям. Давлатмухаммад Равшанов в родном горном Байсуне помогал в охране общественного порядка милиции. И, вполне логично, будет проходить срочную службу в войсках МВД. Заветная мечта парня – стать историком. По окончании службы он намерен поступать в один из университетов. Подполковник Аскад Ахмедов, начальник отдела областного Управления по делам обороны, рассказывает:

– Сотрудники наших районных отделов, медицинские комиссии постарались провести качественную работу: сделали глубокое медосвидетельствование призывников, вместе с государственным тестовым центром провели тестирование на знание родного языка и литературы, математики, истории. И, конечно, проверили их на предмет физической подготовки. Кто набрал наибольшее количество баллов, тех и отбирали для призыва. А после всех испытаний еще и интеллектуальный уровень определяли, психологическую совместимость.

Уже, надевая военную форму, ребята узнавали, где станут служить. Больше половины из них наверняка сядут за руль большегрузных автомобилей. Ведь они заранее окончили технические школы при ОСО «Ватанпарвар». Многие призывники свои водительские права уже успели «закрепить» на практике.

Сариасийский экономический колледж окончил Улугбек Куйлиев, житель кишлака Дашнабад, чьи гранаты известны так же широко, как и наманганские яблоки. За несколько месяцев до призыва он не стал устраиваться по специальности, а поработал на грузовом КамАЗе. Призывная комиссия учла это при распределении – его ждут в одном из технических подразделений.

Похожая ситуация и у жителя кишлака Таллимаран Ангорского района Шокира Наркулова. Когда он окончил школу, муж сестры, старший лейтенант милиции Шерзод Суванов, настоятельно посоветовал не терять времени даром и поступить в Термезскую техническую школу. Уметь классно управлять машиной – это всегда пригодится. Мать Ойхол-апа Хужаярова и отец Джуманазар-ата Наркулов за сына спокойны – он обладатель двух профессий.

... Но вот торжественный митинг закончен, звучит команда занять места в вагонах. И уже через несколько минут пассажирский состав увез ребят к местам прохождения службы.

**Анвар АПСАЛЯМОВ.**
**г. Термез.**
Фото **автора.**



# ЧАҚИРУВ–2009

Матбуот анжумани

## ТАДБИРЛАР ҚИЗҒИН ПАЛЛАДА

**Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан муддатли ҳарбий хизматга чақириш, белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига бўшатиш тизимига ўзгартиришлар киритилганини, айни кунларда республикамиздаги барча мудофаа ишлари бошқармалари йиғин пунктларида кўрик-танлов ҳамда тегишли синовлардан муваффақиятли ўтган сара ўғлонлар ҳарбий хизматга тантанали равишда кузатилаётганини яхши биламиз.**



Мазкур Фармонга кўра мудофаа ишлари бошқармалари чақирув пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, уларни моддий-техник ашёлар, тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, Қуролли Кучларни замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кабилар белгилаб қўйилган эди. Бу борада Қуролли Кучларимиз раҳбарияти ҳамда тегишли ҳамкор ташкилотлар томонидан қатор чора-тадбирлар қўлланилиб, бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Жумладан, чақирув ишларини мукаммал асосда ташкил этиш ва йиғин пунктларини талаб даражасига келтириш бўйича муҳим ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим. Фуқароларни танлов асосида муддатли ҳарбий хизматга олиш тизими яратилгани, чақирув комиссияларининг ишида ошкораликни ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларининг вакиллари киритилгани кабилар, қолаверса, эндиликда ўғлонларни ҳарбий хизматга жўнатиш февраль-март ойларида амалга оширилиши ва бу борадаги тайёргарлик ишларида муаммолар туғилмаслиги учун йиғин пунктлари қиш ойларига мосланиб, қайта таъмирлангани ҳамда иситиш тизимлари яхшилангани кабиларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Марказий офицерлар саройида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда гап борди. Унда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари Фармонда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш юзасидан қилинаётган ишлар хусусида оммавий ахборот воситалари ходимларига маълумотлар бердилар.

Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Т.Ҳамроқулов мазкур Фармон юзасидан фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар бугун Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдиришни сифат жиҳатидан яхшилаш имконини бераётганини, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси жиддий равишда ошиб, аҳоли орасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори тубдан ўзгараётганини таъкидлади.

Тадбир давомида сўзга чиққан Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши бўлим бошлиғи Т. Арслонов ва бошқалар ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш бўйича масъул ташкилотлар томонидан амалга ошириб келинаётган ишлар хусусида гапириб ўтдилар ҳамда эртамиз давомчиларининг ҳар томонлама чиниқиб, камолга етишларида армиянинг ўрни беқиёс эканини ва бу борада ҳамкорликда амалга ошириш лозим бўлган ишлар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Тадбир давомида журналистлар томонидан берилган қатор саволларга жавоблар қайтарилди.

**Катта лейтенант Сардор КОМИЛОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ**
**суратга олган.**

## ВАТАН СИЗГА ИШОНАДИ, САРА ЎҒЛОНЛАР

**Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан бундан буён муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш белгиланганидан юртдошларимиз хабардор, албатта. Мазкур Фармондан келиб чиқиб, чақирув ва фуқароларни ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган тадбирларга бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Мудофаа ишлари бошқармалари чақирув пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш, уларни моддий-техник ашёлар, тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, Қуролли Кучларни замонавий талабларга мос кийим-кечак ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини ҳал этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кабилар шулар жумласидандир. Айни кунларда жойлардаги барча мудофаа ишлари бошқармаларида ўрик-танлов ҳамда тегишли синовлар асосида саралаб олинган энг муносиб ўғлонлар муддатли ҳарбий хизматга йўл олишар экан, улар шу ернинг ўзидаёқ аскарлик либосларида катта тантана билан кузатилаётгани мазкур Фармоннинг амалдаги ижросидир.**

Фарғона вилоятида ҳам 2009 йилнинг илк кузатув тантанаси бўлиб ўтди. Шу муносабат билан Фарғона шаҳридаги политехника институтининг фаоллар залида тантанали тадбир ўтказилди. Унда чақирилувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари, ҳарбий хизматчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, талаба ёшлар, маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари ва бошқа меҳмонлар иштирок этди.

Зиммасидаги юксак бурчни адо этиш учун Ватан хизматига йўл олган ўғлонларга қараб кўзлар қувнайди. Дилларида ғайратшижоат алангаси жўш урган чақирилувчилар бирдай норғул, забардаст. Ҳарбий хизматга шайланган акаларига қараб ёшлар қалбида ҳавас уйғонса, катталарнинг кўнглида ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Ниҳоят тадбир бошланди. Унда сўзга чиққан вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Ходжаева, Шарқий ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи подполковник Олимжон Занжиров, мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи офицер Мамарайим Қодиров, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бошлиғи Усмонҳожи Бегматов, ота-оналардан Мукаррамхон Маҳкамова ва бошқа иштирокчилар элу юрт осойишталигини асрашдек эзгу ишга йўл олаётган чақирилувчиларнинг ўз бурчларини шараф билан оқлаб қайтишларига ишонч билдирдилар.

Чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Азизбек Абдуллаев кўрсатилаётган бу каби ғамхўрликлар ва билдирилган юксак ишончга муносиб хизматлари билан жавоб қайтаришларини билдирди.





Шундан сўнг тадбир иштирокчилари байрамона безатилган дастурхонга таклиф қилиниб, чақирилувчиларга спорт либослари улашилди.

Тантана Марғилон темирйўл шоҳбекатидаги кузатув маросимига уланиб кетди. У ерда ҳар бир чақирилувчига ташкилотчилар томонидан совғалар берилди.

Шундан сўнг нуроний отахонлар ва меҳри дарё онахонларнинг оқ фотиҳаси ҳамда дўст-яқинларининг тилаклари ила чақирилувчилар хизматни ўташ учун жўнаб кетишди.

Санъаткорлар томонидан тақдим этилган концерт дастури тадбирга яна ҳам файз бағишлади.

**Майор Воҳиджон ТОШАЛИЕВ.**

## ОРЗУЛАР РЎЁБГА ЧИҚҚАН КУН

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 январдаги "Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларга қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадарё вилоят ҳокимининг фармойиши қабул қилинди.**

Мазкур фармойишга асосан вилоят йиғин пунктида фуқароларни тантанали равишда ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Юқори савияда ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" ҳамда "Нуроний" жамғармаларининг вилоят бўлимлари вакиллари, ота-оналар иштирок этдилар. Йиғилганлар зиммаларидаги конституциявий бурчни мардонавор ўташга аҳд қилган жасур ўғлонларни миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш, аждодлар анъанасини давом эттириш шарафига муяссар бўлганликлари билан қизғин табрикладилар.

– Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан чақирув ёшига етган фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта – февраль-март ойларида чақириш, белгиланган муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига март-апрель ойларида бўшатиш белгилаб қўйилган, – дейди биз билан суҳбатда Қашқадарё вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник М. Эгамназаров. – Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича вилоятимизда қатор ишлар амалга оширилди. Вилоят йиғин пункти хоналари қиш мавсумига мослаштирилиб, иситиш тизимлари таъмирланди. Малакали мутахассислар томонидан муддатли ҳарбий хизматга бориш истагида бўлган фуқаролардан жисмонан ва маънан соғлом, билими ҳамда дунёқараши кенг йигитлар саралаб олинмоқда.

– Ватан олдидаги йигитлик бурчимни ўташни, эгнимга ҳарбий либос кийишни болаликдан орзу қилиб келардим, – дейди чақирилувчи Равшан Муҳаммадиев. – Акам хизматни ўтаб келганида, мендаги бу истак янада кучайган эди. Мана бугун ўша орзуимга етиб турибман. Жиддий тайёргарлик кўргач, барча синовлардан муваффақиятли ўтдим.

Сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, юртимизни ҳимоя қилишдек шарафли ишга отланган шунқорлар ташкилотчи ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Тадбир дилтортар куй ва қўшиқларга, шўх-шодон байрам дастурига уланиб кетди.

**Зуҳра ОЙМАМАТОВА.**
**Собир НАРЗИЕВ суратга олган.**

# ОИЛА ГУЛШАНИ

## СИНОВЛАРДА СИНАШТА ЖУФТЛИК



Муҳаббатхон Камолова билан Самарқанд гарнизонига қилган ижодий сафаримиз чоғида суҳбатлашган эдим. Ўн йилдан буён Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган бу ғайратли аёл айни дамда ҳарбий қисм ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, бу вазифага муносиб бўлиш осон эмас. Чунки оиласи барчага ўрнак, ҳарбий оила иқлимини яхши тушунган, ўзгаларга маслаҳат ва ёрдам беришга қодир, оқила ва билимдон аёлгина бу вазифанинг муносиб эгаси бўлиши мумкин. Муҳаббатхон билан суҳбат асносида нафақат унинг фаолияти, балки оиласи билан ҳам танишишга муваффақ бўлдим.

Агар менга «аёл бахтини нима белгилайди?» дея савол беришса ҳеч иккиланмасдан «унинг фарзандлари», дея жавоб берган бўлардим. Негаки, ҳазрати аёл учун оналик бахтидан устуворроқ неъматнинг ўзи йўқ. Унинг атрофини ўраб турган ўғил-қизлари борки, у ҳар ишга қодир зотга айлана олади.

Муҳаббатхонни бу борада меҳрибон она, севимли рафиқа, тадбиркор ва оқила рўзғор бекаси дейишга ҳақлимиз. Шундай экан, келинг, суҳбатимизни унинг оиласи билан яқиндан танишишдан бошлайлик.

Ҳарбий оила бекаси олдига қўйиладиган ўзига хос мажбуриятлар барчамизга маълум. Яъни ҳарбий оилага муносиб бека бўлиш, Ватан ҳимоячилари бўлмиш турмуш ўртоқларининг бурчига хос тарзда сабр-қаноатга эгалик қилиш, фарзандларини оталарига муносиб қилиб тарбиялаш уларнинг олдида турган вазифалардан бири. Қаҳрамонимиз бу синовлардан муваффақият ила ўтган бекалардан дейишга ҳақлимиз.

Офицер Нурулло Ҳамроев ва Муҳаббатхон Камоловаларнинг оила қурганига ўн саккиз йил бўлаяпти. Бир инсоннинг етук ёшга етишишини таъминловчи бу вақт кичик сана эмас, албатта. Шу ўтган йиллар ичида ушбу ҳарбий оила Нуруллонинг хизмат бурчи сабаб, турли гўшаларда истиқомат қилишди. Албатта, янги шароит ва муҳитга мослашиш борасида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бекалардан кўпроқ ирода, сабр ва яратувчанлик талаб этилади. Муҳаббатхон илкидаги бу мажбуриятни ҳар гал мамнуният ила қарши олди. Оилада бирин-кетин туғилган Ҳазратбек ва Авазбеклар оила қувончига айланишди. Орадан йиллар ўтиб эса рафиқаси Нуруллога уч эгиз фарзанд – Ҳасан, Зуҳра ва Тоҳиржонларни ҳадя этди. Ҳозирда хонадонда вояга етаётган беш ўғил-қиз ҳарбий оиланинг муносиб ворислари сифатида тарбия топишаяпти.

– Биз турмуш ўртоғим билан бир синфда таҳсил олганмиз, – дейди Муҳаббатхон оиласи ҳақида сўз кетар экан. – Тўғрироғи, йиллар ўтиб синфдошим билан тақдир йўлларимиз бирлашади деб ўйламагандим. Буни мен ҳаётнинг кутилмаган совғаси десам тўғри бўлади. Чунки меҳринг тушган, феъл-атвори синашта инсон билан умр йўлингни боғлаганга нима етсин. Бу борада ўзимни бахтли аёлман десам арзийди. Турмуш қурган дастлабки йилларимиз ўқитувчилик касби бўйича фаолият юритган бўлсам, кейинчалик ҳарбий қисмда Қуролли Кучлар хизматчиси сифатида хизмат қилиб келаяпман. Мана, тўрт йилдирки, қисм ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси етакчисиман. Ҳарбий оила бекалари асосан ёшлар бўлганлиги учун, уларга ўз ўрнида фойдам тегаётганидан мамнунман. Фаолиятим ўзимга ёқади. Ҳар бир оила билан яқиндан танишиб, уларнинг яшаш шароити, турмуш даражаси, эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати ва муаммоларини ўрганиб чиқиб ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Албатта, бу алоқаларни самимий муносабат орқали йўлга қўйиб келаяпман. Оила бекалари иштирокида ҳарбий қисмда ўтказиладиган тадбирларда эса оилага боғлиқ анкета саволлари тарқатиб уларнинг таклиф, фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ишимизни ташкил этяпмиз. Ҳаёт йўллари, айниқса оила тилсими мураккаб, синовларга бой. Бу йўлда эр-хотин бир ёқадан бош чиқариб, бир-бирини тушуниб, бир-бирига суяниб яшасагина бахт уларга йўлдош бўлади. Мен буни нафақат бўлим етакчиси, балки турмуш тажрибасига эга ҳарбий оила бекаси сифатида тилга олаяпман.

Шарқ файласуфларидан бирининг «Инсонлар ҳар вақт хотунлар истагани каби бўлажаклар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, хотинларга буюклик ва фазилат ўргатингиз», деган ҳикматли сўзи мавжуд. Бунинг маъноси шуки, авлод тарбиячиси бўлмиш оналар аввало ўзи тарбияланган, билимдан ва зукко бўлмоғи лозим. Шундай оқила аёл бекалик қилган оила албатта эл назарида бўлади.

Мен Муҳаббатхонда шу фазилатни кўрдим. Унинг фарзандларини билимга чанқоқлиги, ақлу одоб борасида тенгдошларига ўрнаклиги ҳам балки шундандир.

**Зулфия НОСИРОВА.**

# ЭЗГУ ИШЛАР АМАЛДА БЎЛСИН

**Оила ҳақида сўз кетганда унга «муқаддас қўрғон» дея таъриф берилади. Дарҳақиқат, бу қўрғон қанчалик мустаҳкам бўлса, у ерда истиқомат қилаётган инсонлар ҳаётида шунчалик фаровонлик ҳукм суради. Алломалардан бирининг шундай сўзлари бор: «Ул шундай буюк қўрғондирким, анинг деворлари инжу бирла безатилур, бу инжулар асло ганж дейилмас, аксинча тарбия, меҳр ва вафо инжулари дейилур. Бул уччови бор хонадонлар илдизи муқим ва мустаҳкам дарахтлардек бўлур». Ҳа, меҳр бор жойда муҳаббат ҳам мангуликка дахлдор бўлади. Биз бежизга оилани муқаддас дея таърифламадик, унинг муқаддаслигининг яна бир сабаби, бу маконда келажак эгалари, авлодлар давомчилари тарбия топади. Оилада қанчалик соғлом муҳит қарор топса, бу оиланинг келажаги ҳам бардавом бўлади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда ҳарбий оилаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни янада барқарорлаштириш, бу оилаларда вояга етаётган ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, ота-она ва кексаларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, шу билан бирга уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилишга катта эътибор қаратилаяпти.**



Хонадонда соғлом турмуш тарзини яратиш дегани аслида меҳру садоқат, сабру қаноат, ишонч ва ҳурмат туйғуларига таяниш демакдир. Айниқса, хизмат бурчи сабаб турли гўшаларда, турли шароитларда истоқомат қилаётган ҳарбий оила вакиллари учун бу фазилатлар муҳим аҳамият касб этади. Ҳарбий қисм ва муассасалардаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам айнан ҳарбий оилаларга ҳар томонлама таянч бўлишдир. Яъни ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилавий низоларнинг олдини олиш, ҳарбий оила бекаларининг иш билан таъминланишларига эътибор қаратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан иш олиб бориш каби бир қатор масъулиятли вазифалар уларнинг зиммасига юклатилган.

Буларни амалга ошириш учун шубҳасизки, ҳар бир хонадон билан яқиндан мулоқотда бўлиш, мустаҳкам алоқа ўрнатиш лозим. Бу борада ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўлинмалари бир қанча самарали ишларни амалга оширмоқда.

– Ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилаётган оилаларнинг яшаш шароитларини имкон қадар яхшилашга, уларга қулайликлар яратишга интилаяпмиз, – дейди қисм ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи Малика Қодирова. – Жорий йилда бажарилган ишлар таҳлили хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳарбий оилаларда вояга етаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шу билан бирга улардаги миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга бўлган ҳурмат ва муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида «Сизни Ватан кутмоқда», «Бахтимиз қомуси», «Миллий халқ ўйинлари» каби тадбирлар ўтказилди. Оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида эса ҳарбий оила вакиллари иштирокида «Спортсевар оила», «Спорт – соғлик гарови» каби мусобақалар уюштирилди. Шунингдек, ҳар бир байрам ва улуғ саналарга бағишлаб албатта барча ҳарбий қисм ва муассасаларда турли маданий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар, ижодий учрашувлар ўтказилмоқда. Шаҳарчамизда яшаётганларнинг аксарият қисмини ёш оилалар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам уларнинг ўзларини тиклаб олишлари учун эътибор ва ғамхўрлик зарур. Ана шундай пайтда бундай оилаларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжини ўрганиб чиқиб, улардаги мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Ёш оналарга маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берилади. Аёллар ва болалар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун тез-тез белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказиб турилади. Ҳарбий оила фарзандларининг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун ҳам шароит яратганмиз.

Кам таъминланган ва кўп болали оилалар, хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий кўмак бериш бизнинг олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир. Бу борада «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу боисдан ҳам иложи борича ҳар бир байрам арафасида мана шундай оилаларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга ёрдам беришга ҳаракат қилаяпмиз.

Аёлларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам ижобий ечимини топаяпти. Жорий йилда шаҳарчада истиқомат қилаётган йигирмага яқин оила бекалари ўз мутахассисликлари бўйича тумандаги мактаб, лицей ва коллежга, тиббиёт муассасаларига ишга жойлаштирилди.

Ҳа, бўлинма томонидан амалга оширилаётган мақтовга арзирли ишлар жуда кўп. Ҳарбий оилаларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибордан юртимизда оилага бўлган чексиз эъзоз ва ҳурматни англаш қийин эмас. Бундай эъзозни сезиб туриш ҳарбийларнинг жанговар руҳини кўтаради, уларни янги ютуқларга, муваффақиятларга чорлайди. Демакки, жанговар шайликни оширишга хизмат қилади.

**Гулнора ҲОЖИМУРОДОВА.**
**Аҳрор ОЧИЛОВ суратга олган.**

# МАСЛАҲАТ

## МЕНИНГИТ – ХАВФЛИ КАСАЛЛИК

Менингит – мия юмшоқ қаватларининг йирингли яллиғланиши билан кечадиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, бемор одам ёки соғлом инфекция ташувчидан соғлом одамга ҳавотомчи орқали юқади. Беморлар гапирганда, йўталганда ва аксирганда касаллик чақирувчи микробларни ташқи муҳитга тарқатадилар. Касалликни «менингококк» деб аталувчи микротаначалар чақиради. Менингококклар ташқи муҳит омилларига (қуёш нури, ҳаво ҳароратининг ўзгариб туриши, намлик ва бошқаларга) ниҳоятда сезувчан бўлади. Қайнатилганда дарҳол, дезинфекцияловчи моддалар таъсирида эса бир неча дақиқада нобуд бўлади, паст ҳароратга ҳам чидамсиз бўлиб кўпи билан уч кун яшай олади, холос.

Менингококкли инфекциялари қиш-баҳор мавсумида янада кўпайиб, февраль-апрель ойларида аҳоли ўртасида касаллик кўрсаткичлари ниҳоятда баланд бўлади. Касаллик уюшган гуруҳларда, яъни болалар боғчаси тарбияланувчилари, мактаб ва лицей ўқувчилари, талабалар ва шахсий таркиб орасида тез тарқалади. Одатда, аҳоли ўртасида табиий равишда соғлом менингококк ташувчилар бўлади. Яъни, янги жамоаларнинг ташкил топиши сабабли менингококкнинг соғлом ташувчилари бошқа сафдошларига маиший мулоқот оқибатида касалликни юқтиришади, ушбу касалликка мойил одамларнинг хасталанишига сабаб бўлишади.

Касалланишнинг мавсумийлигига таъсир этувчи асосий омиллар: ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши, намликнинг юқорилиги, қиш фаслида одамларнинг ёпиқ хоналарда ишлашлари, очиқ ҳавода кам бўлишлари, вентиляциянинг етишмаслиги ва бошқалар ҳисобланади. Инфекция соғлом одамга юққандан кейин, касаллик белгилари пайдо бўлгунича ўртача 4-6 кун ўтади, айрим ҳолларда эса 2-10 кунни ташкил қилиши мумкин.

Касаллик ўткир асоратлар билан бошланади, айрим ҳолларда тана ҳарорати 39-40 С гача кўтарилади. Бемор бошида пайдо бўлган оғриқ кучайиб, бадани титраб қақшайди, кўз олмасида ҳам оғриқ пайдо бўлади, кўз ва терининг ташқи таъсирларга сезувчанлиги ортади, кўнгли айниб қусади. Орадан 12-14 соат ўтиб менингитга хос бўлган белгилар (энса мушаклари таранглашуви, Керинг, Брудзинский ва Гийен симптомлари, терида геморрагик тошмалар) пайдо бўлади.

Бугунги кунда замонавий тиббиёт усулларидан фойдаланган ҳолда менингококкли менингит касаллиги асоратсиз даволанади. Тезкор даво чораларини қўллаш бемор аҳволи даволашнинг иккинчи кунига келиб, сезиларли даражада яхшиланишига олиб келади. Даволаш кеч бошланганида эса натижалар натижалари тезда кўзга ташланмайди. Энг хавфли ва кўп учрайдиган асоратларидан бири бу мия шишидир. Бу ҳолат эса миянинг сиқилиб қолиши ва оқибатда юрак қон-томир ва нафас марказлари фаолиятининг кескин бузилишига олиб келиши мумкин.

Менингококкли назофарингит билан касалланган беморлар эпидемиологик кўрсатмаларга мувофиқ госпитализация қилинади. Менингит билан оғриган беморлар эса вақтни ўтказмасдан тиббиёт муассасасига ётқизилиши шарт.

Менингитдан сўнгги асоратлар кўпинча даволаш кечроқ бошланган беморларда кузатилади. Улар тез чарчаш, бош оғриғи, хотира сусайишидан шикоят қиладилар, менингит билан оғриб ўтган беморларнинг бир қисмида эса қулоқ фаолияти сустлаша бошлайди. Ёш болаларда карлик, соқовлик келиб чиқади. Менингитни ўтказган барча беморлар 2 йил мобайнида шифокор назоратида бўлишлари, вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиб туришлари лозимдир.

Шахсий таркиб орасида касаллик келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олишнинг энг мақбул йўли, беморларни ўз вақтида аниқлаб, уларни хизматдошларидан алоҳида жойга олиш, махсус тез даво чораларини кўришдир. Қуролли Кучларимизда шахсий таркибни менингит касаллигидан ҳимоялаш мақсадида ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарлар ва курсантларни режали равишда касалликка қарши эмлаш йўлга қўйилган. Шунингдек, ушбу хасталикдан ишончли ҳимояланиш учун бадантарбия билан мунтазам равишда шуғулланиш ва тоза ҳавода сайр қилиш тавсия этилади. Касаллик ҳаво-томчи орқали юқишини ҳисобга олган ҳолда, ухлаш ва синф хоналари ҳавосини тез-тез алмаштириб туриш, шахсий таркибни совуқ қотишига йўл қўймаслик керак.

**Яндаш МАВЛОНОВ,**
**Мудофаа вазирлиги**
**Санитария-эпидемиология**
**назорат маркази бўлинмаси**
**врач-мутахассиси.**

## ХАЛОСКОР ЖОНИВОРЛАР

**Айтишларича, кўпгина жониворлар офат юз беришини олдиндан сезиб, эгасини бундай мудҳиш хабарлардан воқиф этаркан. Бунга кундалик турмушимизда кам-кам бўлса-да, ўзимиз ҳам гувоҳ бўлиб турамиз. Айниқса, халоскорлик вазифасини ўташда от ва итга тенг келадиган жонзот бўлмаса керак. Масалан, ер қимирлашини энг биринчи шу жонзотлар сезишини фан ҳам тасдиқлайди. Улардаги бу хусусият кўп ҳолларда инсонларни мудҳиш бало-қазолардан, аянчли офатлардан асраб қолади...**

Ашхободдаги машъум 9 баллик ер силкинишидан икки соат олдин отларнинг оёқлари билан ер тепиниб, қаттиқ кишнаганлари ва боғланган арқонларини узиб юборганликлари ҳақидаги маълумотларни кўпчилик ўқиган ёки эшитган бўлса керак. Айтишларича, ўшанда отларни эгалари тутиб, яна жойларига олиб кириб қўйишган. Бироқ ер силкинишига 15 дақиқа қолганда улар яна қочиб кетган. Шундан бир неча дақиқа ўтиб-ўтмай, ер қаттиқ силкиниб, отхона босиб қолган.

Итларда ҳам шундай ҳолат кузатилган. Бир замонлар талафотли зилзилалардан азият чеккан кўпгина тошкентлик ва ашхободликлар ўз итлари туфайли омон қолганликларини таъкидлаб ўтганлар. Бир аёлнинг ити ҳалокат рўй беришидан бир соат олдин безовталана бошлаган. Ит эгасини уйғотиб, увиллай бошлаган. Сўнгра уни кийимидан тишлаб, каравотидан йиқитган ва натижада хонадон соҳибини дарвозадан ташқарига олиб чиққан. Шу заҳоти ер силкиниши рўй бериб, уй қулаб тушади.

Отлар ер силкиниши каби табиий офатларни олдиндан билишидан ташқари, айрим кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам анча сезгир эканликлари кўп бор кузатилган. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг қидирув-қутқарув тузилмаларидан бирида хизмат қилаётган бир танишимнинг ҳикоя қилишича, Янгийўл тумани ҳудудидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналида 20 ёшли йигитнинг чўкиб кетгани ҳақида маълумот келиб тушган заҳоти қутқарувчи-ғаввослар воқеа жойига етиб келишган. Ғаввослар тахминан икки юз метр жойгача йигитни қидириб топишолмагач, унинг қариндошлари бир воқеани гапириб беришади.

Бир отлиқ киши каналнинг нариги томонига ўтиш учун кўприкка яқинлашган. Отнинг эгаси ҳарчанд қистаса-да, от кўприкдан ўтмаган. Маълум бўлишича, сал нарироқда бир одамнинг жасади ётган экан. Шундан сўнг улар ҳам бир отни топиб келишиб, Бўзсув ёқалаб юришган. Жонивор йўлдан кетаётиб нимадандир ҳуркиб, кишнаб тўхтаган. Қутқарувчи-ғаввослар шу жой атрофидан ҳалиги йигитнинг жасадини топганлар.

Ҳа, отларнинг биз билган ва билмаган хусусиятлари кўп. Шунинг учун бўлса керак, кўпни кўрган кексалар: "Йигит киши уч нарсани ҳеч нарсага алмашмаслиги, ҳеч қачон уларсиз юрмаслиги керак. Булар: хотини, оти ва белидаги пичоғи", деб бежиз айтмаганлар.

**Азамат СУЮНОВ,**
**журналист.**



Сўраган экансиз

## МУРОЖААТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**Судларда фуқаролик ишлари кўрилаётганда прокурорнинг ўрни қандай? Даъво ёхуд аризалар билан мурожаат қилинганда, давлат божи тўланиши ҳамда вакиллик расмийлаштириш тартиби-чи? Бу борада ҳарбий хизматчиларга бирор бир имтиёз белгиланганми? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Кичик сержант**
**Жўрабек МАҲМУДОВ.**

Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган фуқаролик жамиятини шакллантириш ўз навбатида ижтимоий муносабатларнинг барча субъектлари томонидан ҳеч бир чекинишларсиз қонунларга қатъий риоя қилиниши ва ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши мунтазам ва қатъий қарши курашиш лозимлигини англатади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига нафақат жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид қонунларга аниқ ва бир хилда риоя қилиниши устидан қатъий назорат олиб бориш масъулияти юкланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қила туриб, прокурорлар қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлаб, уни бартараф қилиш чораларини кўриб борадилар. Бу чоралар давлат органлари фаолиятида ҳамда жамиятда юзага келувчи ҳуқуқий низоларни ҳал қилувчи, бузилган ҳуқуқларни тиклашга қаратилган ва ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортувчи қарор ва бошқа ҳужжатларда ўз аксини топади.

Фуқаролик ишларининг судларда кўрилишида прокурор иштироки – судлар томонидан барча босқичларда қонуний ва асосли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлар чиқаришининг яна бир кафолатидир.

Бугун ижтимоий ҳаётимизда юз бераётган демократик жараёнлар, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва инсонпарварлик руҳида қабул қилинаётган янги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ҳарбий соҳада ҳам кўпгина ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

«Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида «Ҳарбий хизматчи ўзининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят билан ҳарбий судга, шунингдек, юқори турувчи мансабдор шахсларга ушбу моддада кўзда тутилган тартибда мурожаат қилишга ҳақли», дея белгилаб қўйилган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 239-моддасига кўра фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган даъво бўйича ишлар даъво ишларини юритиш тартибида кўрилади.

Маълумки, даъво аризалари, аризалар ва шикоятлар давлат божи тўланганидан сўнгтина судларнинг иш юритувига қабул қилинади.

Аризалар бўйича давлат божининг миқдорлари ва тўлаш тартиби амалдаги қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган. Худди шу каби ҳарбий хизматчи ҳам мурожаат қилганда давлат божидан озод қилиш имтиёзи назарда тутилмаган. Бироқ суд ҳарбий хизматчининг мулкий аҳволидан келиб чиқиб, Фуқаролик процессуал кодексининг 110-моддасига асосан ҳарбий хизматчини давлат божидан озод қилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 129-144, Фуқаролик процессуал кодексининг 50-55 моддаларида вакиллик расмийлаштириш тартиблари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги «Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида»ги қарорида судларга фуқаролик ишларини юритишда вакилларнинг қатнашиши масаласига оид бир қатор тушунтиришлар берилган.

Ушбу тушунтиришларга кўра вакил ўзига ваколат берган шахс (юридик шахс) номидан шахсан ўзига нисбатан берилган ишончнома орқали судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Бунда ишончномалар Фуқаролик кодексининг 135-138 моддалари тартибида нотариал ёки ҳарбий қисм, қўшилма, муассаса ва ўқув юртларининг командирлари (бошлиқлари) томонидан имзоланган ва муҳрланган шаклда, унинг амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолда берилиши лозим.

Ички хизмат Низомининг 10-моддасига кўра "Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва қўриқлаш давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органларининг, судларнинг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, ҳарбий бошқарув органлари ва командирларнинг (бошлиқларнинг) зиммасига юкланади.

Шу муносабат билан ҳар қандай ҳарбий хизматчи фуқаролик тартибида ҳам ҳарбий прокуратура ва ҳарбий судларга мурожаат қилишлари мумкин.

**Аллия майори Фахриддин БЕГАШЕВ,**
**Навоий гарнизони ҳарбий прокурори.**

# ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

## ҚИСМАТ

### (воқеий ҳикоя)

Зебо ҳовлида турли юмушлар билан банду хаёли кўча дарвозасида. «Тиқ» этган товушдан нигоҳи ўша томонга қадалади. Турмуш ўртоғи Санжар қамоқдан қайтади бугун. Уч йиллик айрилиқ азоби, эрининг туҳматга учраб умрининг энг навқирон онларини бандиликда ўтказгани якун топади, ниҳоят. Оиласига, ҳаётига ғам келтирган ўша воқеа эсига тушди дегунча ҳамон юрагига титроқ киради. Бироқ ёдга олмасликнинг ҳам иложи йўқ.

Зебо оилада беш ўғилдан кейин туғилган ягона қиз бўлиб, ота-онасию акаларининг ардоғида ўсди. Отаси Ғулом ака қатъиятли, гаплари кескир, тутган жойидан кесадиган зиёли инсон бўлса, онаси Раъно опа ниҳоятда хушрўй, мулойим ва босиқ уй бекаси эди. У вояга етган сари онасидаги гўзаллик, босиқлик унда ўрин топгандек кўринсада, ўзига хос шаддодлиги, бирсўзлиги билан отасининг ўзгинаси эди. Шу сабабли бўлса керак, Ғулом ака ўрта мактабни битириб олий ўқув юртига киришни истаган қизининг орзуларини қўллаб-қувватлар, у билан соатлаб суҳбатлашишдан чарчамасди. Ўз ўрнида уни жуда авайларди ҳам. Акалар ҳам кўзга яқин сингилларининг ҳақиқий қўрғонлари эди.

Бахтга қарши Зебога биринчи йил талаба бўлиш насиб этмади. У кейинги йилдан умидини узмаган ҳолда болалар боғчасига ишга кирди. Вояга етган сари ҳусну латофатда тенгқурлари ичида манаман деб кўзга ташланиб турган гўзал қизнинг ошиқлари ҳам кўп эди, албатта. Шу сабабли энди бу хонадонга ташриф буюрувчи совчилар ортиб борди. Ғулом ака билан Раъно опа эса қизлари институтни битирмагунча турмушга чиқармасликларини айтиб, совчиларни қайтариш билан овора эдилар. Бу орада оила бошига оғир мусибат тушди. Хонадон бошлиғи ўнгарилмас, оғир дардга чалинди.

– Онаси, – неваралари билан андармон бўлиб турган аёлини олдига чақирди Ғулом ака. – Қани, ёнимга ўтир-чи. Сен билан маслаҳат қиладиган иш бор.

Раъно опа ҳозиргина чорбоғдан қайтиб, елкасидан нафас олиб турган эрининг ёнига чўкди.

– Тинчликми, дадаси?

– Аҳволимни кўриб турибсан. Кейинги вақтларда ҳовлини бир айланиб келишга ҳам ярамаяпман. Соғайиб кетишимга умид йўқ.

– Мени қўрқитиб ундай деманг. Иншоолоҳ, яхши бўлиб кетасиз ҳали, – эри ортиқча йиғи-сиғини ёқтирмаслиги сабаб, кўз-ёшини ичига ютди аёл.

– Ўғиллардан кўнглим тўқ, ҳаммаси уйли-жойли, оиласи билан тинч, – хотинининг гапига эътибор бермай сўзида давом этди Ғулом ака. – Фақат шу Зебони кўнглимдагидек жойга узатсам армоним йўқ эди.

– Бирорта мўлжаллаган жойингиз борми? – соҳибига синчков нигоҳини тикди аёли.

– Келаётган совчилардан қўшни маҳалладаги Акром аканинг хонадони ҳам, ўғли ҳам менга маъқул. Йигит олий маълумотли, Зебони ҳам ўзимиз ўқитамиз, деб ваъда бериб турибди. – Унинг сўз оҳангида «сен нима дейсан?» маъносини англаш қийин эмасди.

– Тўғри, айтганингиздек яхши оила-ю, аммо қизингиз... – Раъно опанинг сўзи оғзида қолди.

– Зебо билан ўзим гаплашаман. У рози бўлади, – гапни қисқа қилди оила бошлиғи.

Кўп фурсат ўтмай Зебонинг тўйи бўлиб ўтди. Умрининг сўнгги ойларини яшаётган отасининг оқ фотиҳаси учун ҳамма нарсага рози эди, у. Икки ойга етар-етмас Ғулом ака ҳаётдан кўз юмди. Келинчаклик саруполарини ечиб, мотам либосига ўралган Зебо ўзининг катта бир қўрғонидан айрилганини, отасининг ўрнини энди ҳеч ким боса олмаслигини ҳис қилиб турарди. Айни дамда унга мадад бериб турган ягона куч турмуш ўртоғи Санжарнинг ўтли муҳаббатию ғамхўрликлари эди. Чунки дадасига ўта боғланиб қолган онасининг аҳволи ҳам ўзиникидан кам эмас, таскинга муҳтож бўлса, оталарининг ўлимига руҳан тайёр бўлган акалари ундаги айрилиқнинг чуқур руҳий изтиробини англашмас, англашса ҳам бу кутилган табиий ҳолат эди, уларнинг назарида.

Орадан беш ой ўтиб содир бўлган воқеа эса, ҳали айрилиқ заҳмидан ўзига келолмай юрган Зебо учун ҳақиқий фожиа бўлди.

Маҳалладош дўсти Равшан билан ён қишлоқдаги жўрасининг никоҳ тўйига кетган Санжар шу куни уйга қайтмади. Зебо «узоғи билан уч-тўрт соатда ёнингда бўламан», деган эрини тонггача кутди. Эрталаб эса уни ўз дўстининг қотили сифатида қамоққа олишганлиги хабари келди.

Тергов, суд жараёнлари узоқ вақт давом этди. Бироқ Санжар бу қотилликка умуман алоқаси йўқлигини исботлай олмади. Жиноятчиларга шерик сифатида унга ҳам ҳукм ўқилди.

Аслида маст бўлиб қолган Равшанни бир амаллаб машинасига ўтқазиб тўйдан қайтаётган Санжарга йўлда тушиб қолишларини илтимос қилиб икки йигит ҳамроҳ бўлди. Ёлғизоёқ жойга келганда улар машинани тўхтатишди-ю, кўз очиб-юмгунча олдинги ўриндиқда ўтирган Равшанни машинадан судраб тушишди. Санжар нима гаплигини англаб улгурмай қоронғулик ичидан яна икки йигит пайдо бўлиб сархушликдан ўзига келолмай турган дўстини тепкилай бошлашди. «Бировнинг аёлига қўл чўзишни кўрсатиб қўямиз сенга», «Сингилимга хиралик қилишнинг мазасини татиб кўр» каби узуқ-юлуқ гаплару сўкинишлар билан дўстини калтаклаётган тўда ичига ўзини урди, Санжар. Бироқ унинг тўрт кишига кучи етмасди.

Шу орада Равшаннинг аянчли инграган товуши эшитилди-ю, қора ниятига етган қотиллар бир зумда қоронғулик ичига шўнғиб кўздан ғойиб бўлди. Уни ердан турғазишга уринган Санжар не кўз билан кўрсинки, дўстининг кўксида санчилган пичоқ турарди...

Санжар қамоқдан қайтган кун хонадонларига маҳалла аҳли, қариндош-уруғлар, дўстлари йиғилишди. Ўғилларининг бошига тушган кўргулик сабаб, анчайин чўкиб қолган ота-онаси ҳам ғамлари ариганига шукроналар келтиришарди. Қишлоқнинг олди йигитларидан бўлган Санжарнинг қисмати кўпчиликни бефарқ қолдирмагани кўриниб турарди. Елиб-югуриб хизмат қилиб юрган Зебо, эрининг жиддий тортган қиёфасидан унинг бир қадар улғайганлигини ҳис қилди.

Орадан бир ҳафта ўтиб уни кўргани келган яқин дўстларидан бири Акмал ўзи фермерлик қилаётган Мирзачўл ерларига ишлашга таклиф қилди ва бу таклиф Санжарга ёқди.

– Зебо, ўша ерларга бориб ишлаб келсак, нима дейсан, – маслаҳат қилган бўлди у рафиқасига. – Деҳқончилик қилиш қўлимдан келади, ер тилини яхши биламан. Бу борада олий маълумотлиман ахир, – агрономлик дипломини назарда тутиб ҳазиллашган бўлди у. – Балки у жойлар водийдек кўкаламзор эмасдир. Аммо Равшаннинг оиласидан вақтинча узоқроқда бўлганимиз маъқул. Беайб жазо олиб қайтган бўлсамда, уларнинг кўз олдида юриш мен учун оғир, ўзимни гуноҳкордек ҳис қилавераман.

– Сиз нима десангиз шу. Фақат айрилиб яшамасам бўлгани. Ҳар қандай меҳнатга чидайман, – розилик билдирди Зебо. Лекин кўнглининг бир жойи ғаш эди. Балки бу бир пайтлар Акмал уни девоналарча ошиқ бўлиб севгани билан боғлиқдир. Бироқ эри қамоқдалиги пайти икки-уч бор унга дуч келганда ҳурмат билан муомала қилиб, Санжарнинг ҳол-аҳволини сўраган, унга далда бўладиган сўзлар айтганди. Ўша ондаги нигоҳлари самимий, сўзлари беғараз эканлигига шубҳаси йўқ эди, Зебонинг. Нима бўлганда ҳам бу ғашликнинг сабабини тушуна олмади у.

Қайнона-қайнотаси ҳам бунга қарши бўлишмади. Фақат ёлғизгина қизининг узоқларга кетиши Раъно опага у қадар хуш ёқмади. Унинг ҳолидан доим хабардор бўлгувчи акалари эса сингиллари қаерда тинч, бахтли яшаса шунга рози эканликларини таъкидлашди.

Шундай қилиб, икки ёшнинг ҳаёт йўли Сирдарё томонларга туташди.

Эр-хотин у ерга етиб боргач, яшашлари учун яхшигина қулайликка эга бўлган уйга жойлашишди. Фақат баҳордан бошлаб экин қиладиган ерлари узоқда жойлашганлиги сабаб, ўша ерга кичикроқ кулба қилиб зарур нарсалари билан кўчиб боришларига тўғри келди. Акмал уларга сув бошига яқин бўлган энг яхши ерларидан ажратиб берди. Зебо қишлоқ қизи бўлишига қарамай деҳқончилик ишларига кўп аралашмаган бўлса-да, меҳрибон турмуш ўртоғи ёнидалиги сабаб бу борада барча қийинчиликка шай турарди, унга ёрдам беришга ҳаракат қиларди.

Шундай кунлардан бирида Акмал уларни оиласи билан таништириш учун меҳмонга таклиф қилди.

– Акмалнинг оиласи билан танишишимиз сен учун яхши. Зериккан пайтларинг борди-келди қиладиган дугонанг бўлади энди, – бундан мамнун эди Санжар. – Тезроқ ҳозирлан, ҳозир Акмал келиб қолади. Машинасида ўзи олиб бормоқчи.

Келганларидан буён ҳеч қаерга бормай зерикиб юрган Зебо бунга эътироз билдирмади.

Малоҳат эр-хотинни очиқ чеҳра билан қарши олди. Уларнинг яшаш тарзидан ўзларига тўқ, бу жойларга кўникиб кетганлиги кўриниб турарди. Олдинма-кетин туғилган ўғил-қизчасини ўрта ёшлардаги энага аёл алоҳида хонага олиб кириб кетди. Санжар салом-аликдан сўнг, аёли билан таништирар экан, унинг исмини эшитган заҳоти Малоҳатнинг ранги ўзгарди. Бироқ буни Акмалдан бошқа ҳеч ким сезмади. У меҳмондорчилик давомида ҳам Зебонинг ниҳоятда хушрўй чеҳрасига зимдан қараб қўяр, эрининг ҳар бир ҳаракати, кўз қарашларини эътибордан қочирмасди.

Зебо даврада бир оз тортиниб ўтирди. Бу хонадонга илк бора келганлиги учунми ёки Акмалнинг бир вақтлар унга бўлган муҳаббати сабабми, ҳар қалай очилиб ўтиролмади. Гарчи Акмал билан унинг ўртасида ҳеч қандай ришта боғланмаган бўлса-да, ўтган бу савдолардан Санжарнинг ҳам хабари бўлиши аниқ эди. Лекин у бу ҳақда бир оғиз ҳам сўз очмади.

Меҳмонлар кетган заҳоти Малоҳат дийдиёсини бошлади:

– Ҳа, Зебо деганлари шу экан-да. Эшитганман унга қандай ошиқ бўлганингизни. Водийдан айнан мана шу эр-хотинларни кўчиртириб келганингиз бежиз эмас, бу ерда бир гап бор.

– Тилингга эрк берма, Малоҳат, – ғазабини ичига ютди Акмал. – Санжар билан бир синфда ўқиганман. У менинг дўстим. Бошидан оғир кунлар ўтди. Ҳозир ёрдамга муҳтож, у. Аёлини умуман бу ишга аралаштирма. Унга фақат мен эмас, қишлоқнинг ярим йигити ошиқ бўлган. Покдомон аёлга тош отсанг қайтиб ўзингга тегади.

– Ўша покдомон аёлингиз яхши бўлганида эри қамалиб кетмаган бўларди. Қадами хосиятсиз дейди, бундай аёлларнинг. Чиройига ҳалиям маҳлиё бўлиб юрган бўлсангиз, кўрамиз далаларда яшаб болалик бўлсинчи, қандай аҳволга тушаркин. Ишқилиб бизнинг хонадонга ҳам палакати урмаса бўлгани. Қайданам...

– Ўчир-р, – Акмалнинг важоҳатини кўриб унинг гапи оғзида қолди. – Агар яна бир марта шу хонадон, шу аёл ҳақида ёмон гап айтадиган бўлсанг мендан яхшилик кутма, – эшикни ғазаб билан ёпиб чиқиб кетди у.

Малоҳатга бу қаттиқ таъсир қилди. «Унинг ёнини олаяптими, бу бежиз эмас. Энди ўша севгилисини шарманда қилиб, шу ерлардан кетказмасам отимни бошқа қўяман», ғазаб билан аҳд қилди аёл ва фурсат келишини кутди.

Эрларининг айни ривожланиш палласида Зебонинг фарзанд кутаётгани аниқ бўлди. Шундоғам аёлини асраб-авайлаб деҳқончилик ишларини кўпроқ ёрдамчилар билан уддалаётган Санжар уни дала ишларига бутунлай яқинлаштирмай



қўйди.

– Озиқ-овқат, уй юмушларини эпласанг бўлди,– рафиқасига меҳрибончилик билан тайинлади у.– Ўзингни кўп уринтириб қўйма.

– Сизга ҳам осонмас. Кечаю кундуз тинмайсиз. Рўзғор ишларидан бўшаган пайтларим озгина қарашсам ҳеч нарса қилмайди,– эрига эътироз билдирди у.

Ford Lightning («Молния») официально занесен в книгу рекордов Гиннесса как «самый быстрый в мире серийный пикап». Рекордный заезд состоялся на фордовском испытательном полигоне в Мичигане – на скоростном 5-мильном (8 км) овале.



Вьетнамской кофейной компанией Vinacafe приготовлена самая большая в мире чашка кофе «3 в 1». Высота ее составляет 1,53 метра, а диаметр – 2,34 метра. А вместила в себя такая «чашечка» более 3,5 тонн напитка. Этого количества кофе хватило на 30 тысяч человек.



Алеся Гулевич из Белоруссии в июне 2006 году одновременно вращала 101 гимнастическим обручем.



Аичи Оно из Японии установил на германском телевидении рекорд по количеству вращений в положении стоя на голове. Он совершил 89 вращений.

# ДУНЁ НАФАСИ

## КОНТАКТ ЛИНЗА – ТРАНСЛЯЦИЯ ҚИЛАДИ



Орадан бир қанча йил ўтиб, телевизон дастурларни контакт линза ёрдамида томоша қилиш, актёрлар ҳис-ҳаяжонини эса «рақамли татуировка» орқали ҳис этиш мумкин.

Буюк Британиянинг «The Daily Mail» газетаси тадқиқотчиларнинг уй электрон кўнгилочар мосламаси ҳақидаги ғаройиб фикрларига таянган ҳолда шундайин хабар тарқатган.

Кўпчилик фантастика деб ўйлайдиган воқеа-ҳодисалар бугунги замонда ҳаётга татбиқ этилаётганини кўриб, юқоридаги янгилик истиқболига ҳам ишонч билан қарайсан, киши.

Маълум бўлишича, оддий контакт линзалар истиқболда нафақат кўриш сезгисини яхшилашга, балки севимли теледастурларни ёки кинофильмларни трансляция қилиш хусусиятига ҳам эга бўларкан. Бунинг учун унда бир қанча функционал ўзгаришлар содир этилади, вассалом.

Мутахассислар мазкур тизим қувватни тана ҳароратидан олишини, бир телеканалдан бошқасига ўтиш овоз командаси билан амалга оширилишини таъкидлашяпти.

«Сиз бор-йўғи линзани эрталаб кўзга тақасиз, кун охирида ечасиз. Шу вақт оралиғида мослама ўз эгасининг тана ҳароратидан қувват олади», – дейди олим Ян Пирсон.

## МУЗДАН ЯСАЛГАН МЕҲМОНХОНА



Япониянинг шимолий ороли Хоккайдода жойлашган Томама курортида қор ва муздан ясалган антиқа меҳмонхона очилди.

«Alpha Resort Tomamus Ice Hotel» дея номланувчи меҳмонхонада муздан тайёрланган бар ва ҳатто бутхона ҳам бор. Битта икки кишилик номер муз гумбази остида жойлашгани ҳам эътиборни тортади.

Бу масканда тунаш учун совуққа чидамлилик даражангиз юқори бўлмоғи лозим. Негаки стол, стул, ҳатто кровать ҳам муздан тайёрланган. Хона ҳарорати эса –25 градусгача бўлиши мумкин. Меҳмонлар бу ерда қалин уйқу қопларида «қишлашади».

Япон муҳандислари 9 йил давомида муз меҳмонхона ғояси бўйича тадқиқот олиб боришгани туфайли ҳам мазкур лойиҳада имкон қадар барча жиҳатлар эътиборга олинган.

Меҳмонхона 15 февралгача очиқ бўлади. Муз ошхонадаги тушлиги билан қўшиб ҳисоблаганда икки ўринли хонанинг бир кунлик нархи 696 долларга тенг.

## ИМТИҲОНДАН 771 МАРТА ЎТОЛМАДИ



Жанубий Кореялик Чха фамилияли 68 ёшли аёл ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун навбатдаги имтиҳондан яна йиқилди. Бу ҳайдовчи бўлиш орзусини амалга ошириш йўлидаги «бор-йўғи» 771-имтиҳони эди. Бу хусусда «WAtoday» интернет сайти хабар тарқатган.

Маълум бўлишича, хоним 2005 йилдан бери деярли ҳар иш куни имтиҳон топширишга, ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга интилиб келади. Негаки, ишида автомашина муҳим-да. Қизиғи, омадсизликлардан сўнг ҳам машина бошқариш илмини эгаллашга бўлган интилиши сўнмаяпти.

«Бу рекорд даражадаги уриниш. Ҳатто 772-бора имтиҳонга келса, ажабланмайман», – дейди Чонжу шаҳар йўл полицияси ходими. Соҳа ходимининг таъкидлашича, аёл тестнинг назарий қисмидан 30-50 баллгача олишга муяссар бўлаётган экан. Синовдан ўтиш учун эса камида 60 балл зарур.

## ДЕЛЬФИНЛАР ЎЗЛАРИНИ ҚИРҒОҚҚА ОТДИ



200 дан зиёд дельфин ўзларини Манил кўрфази соҳилларига отишди. Бу ҳақда маҳаллий ҳокимият вакиллари берган маълумот асосида «Breitbart.com» сайти хабар тарқатган.

Фожиа Манила шаҳри ғарбидаги Батан ярим оролидан унча узоқ бўлмаган Пилар ва Абукай шаҳарчаларида рўй берди. Маълумотларга қараганда уч дельфин ўлган, уларга ёрдам бериш имкони бўлмаган.

Маҳаллий ҳокимият жонзотларни тирик сақлаб қолиш учун шароит яратишни асосий вазифаси деб ҳисоблаб, фожиа рўй берган ҳудудга биолог-экспертларни йўллади.

Илгари Филиппинда дельфинларнинг оммавий равишда ўзларини соҳилга отиши кузатилмаган эди. Олимлар фожиа сабабларини аниқлашга уринишмоқда.

Ҳозирча, сув ости зилзиласи ёки вулқон отилиши туфайли пайдо бўлган иссиқ оқим ёки қандайдир тўлқинлар ҳалокатнинг асосий сабаби, дея тахмин қилинмоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА



### Запуск адронного коллайдера отложен

Возобновление работы Большого адронного коллайдера отложено до конца сентября нынешнего года. Об этом заявил в Женеве представитель Европейской организации ядерных исследований (ЦЕРН), передает ИТАР–ТАСС.

Большой адронный коллайдер, построенный на территории Швейцарии и Франции, был запущен 10 сентября прошлого года.



### Боливия требует помощи

Боливия требует от США и Европы помощи в борьбе с наркотиками. Об этом заявил министр внутренних дел южноамериканской республики Альфредо Рада.

«Мы требуем помощи от международного сообщества, США и Европейского союза, потому что они являются крупнейшими рынками потребления наркотиков», – сказал он, выступая на церемонии назначения нового руководителя спецподразделения по борьбе с распространением наркотиков Боливии, передает ИТАР–ТАСС.



### Заключенные вызвались помочь

Заключенные австралийской тюрьмы Бичворф выразили готовность оказать посильную помощь в борьбе с пожарами, бушующими на юге континента четвертые сутки.

По словам начальника пенитенциарного заведения Тэрри Джоза, в рамках социальной программы интеграции в общество оступившиеся некогда граждане могут быть использованы в качестве рабочей силы по расчистке территорий, пораженных огнем, передает ИТАР–ТАСС.



### Экспертиза на подлинность

Ученые ответят на вопрос о подлинности дивана, на котором, как считают, провел последние часы своей жизни Александр Пушкин. Накануне очередной годовщины со дня смерти поэта в Петербурге в музее-квартире на Мойке, 12 соберутся участники научной конференции. На ней огласят результаты экспертизы следов крови, обнаруженных на раритетной мебели, передает Первый канал.



### Новые мировые деньги?

Известный финансист, председатель совета директоров Soros Fund Management Джордж Сорос предлагает создать для борьбы с мировым кризисом новые деньги – специальные права заимствования. Активизация этого механизма, существующего уже 40 лет, поможет периферийным странам справиться с кризисом, говорится в статье бизнесмена, которую публикуют «Ведомости».



### Россияне на четвертом месте

Российские зрители заняли четвертое место в Европе по количеству походов в кино. За 2008 год число проданных билетов в стране выросло на 16% и достигло 124 миллионов, говорится в коммюнике Европейской аудиовизуальной обсерватории. Россия уступает Германии, где за прошлый год в кино сходили 129,4 миллиона человек, Великобритании – 164,2 миллиона и Франции, продавшей в 2008 году 188,8 миллиона билетов.

(www.NEWSru.com).

# ASKAR

## IJODGA YO‘G‘RILGAN QALBLAR



Inson tafakkur olami cheksizdir. Uning qo‘li va aqliy qobiliyati har qanday mo‘jizalar yaratishga qodir. Buning uchun ozgina mehnat, intilish va o‘z o‘rnida rag‘bat bo‘lsa kifoya. Natijada ushbu imkoniyatlar asta-sekin bo‘y ko‘rsata boshlaydi. Bugungi lavhamiz qahramonlari ham yosh bo‘lishiga qaramay ana shunday intilish va ishtiyoq ila badiiy ijodga dadil qadam qo‘yib kelayotgan umidli yoshlardan. Ayni paytda harbiy qismda o‘z yigitlik burchlarini mardonavor ado etish bilan bir qatorda ijodda ham imkon qadar faoliyat olib borishni ko‘zlagan bunday yoshlarga nisbatan, kelajagi porloq, degan iborani qo‘llasak xato qilmaymiz.

Muddatli harbiy xizmat oddiy askari Erkin Bo‘riyevning badiiy adabiyot va she’riyatga mehri baland. Mana shu mehr uni bolaligidayoq qo‘liga qalam olib, o‘z ko‘ngil kechinmalarini, yurak tug‘yonlarini qog‘ozga tushirishga undadi. Uning she’rlaridagi samimiyat va beg‘uborlik, o‘ziga xos sodda va ravon uslub o‘quvchini befarq qoldirmaydi. Qahramonimizning ijodda o‘z tasavvur va mezonlar bor. U o‘z ijodi orqali zamon nafasini, yuraklarga taskin bag‘ishlovchi umid shu’lalarini, muhabbat, abadiyat, yaxshilik kabi tushunchalarning qarama-qarshi kuchlar bilan to‘qnashishi jarayonini ifodalash barobarida o‘z ijodiy olamini yaratishga harakat qiladi. Bu esa vujudingizga ajib bir iliqlik olib kiradi. O‘zingizni go‘yoki bolalikka qaytgandek his qilasiz. Uning «Istiqlol», «Vatan beqiyos», «O‘zbekiston», «Hurligimni kuylayman», «Xalqimga», «Onajon» nomli she’rlarida zamon nafasi, Vatanga farzandlik burchi kabi ezgu tuyg‘ular o‘zining yaqqol aksini topgan.

1987 yilda Qashqadaryo viloyatining Nishon tumanida tug‘ilgan Erkinning shu vaqtga qadar ellikka yaqin she’rlari viloyat nashrlarida chop etilgan.

– She’r yozishni eng sevimli mashg‘ulotim deb bilaman, – deydi oddiy askar Erkin Bo‘riyev. – Yoshligimdan Abdulla Oripov, Erkin Vohidov, Muhammad Yusuf kabi shoirlarning she’rlarini havas bilan o‘qib kelaman. Shu sababli ham ularni she’riyat sohasidagi birinchi ustozlarim deyman. Maktabda o‘qib yurgan kezlarimdayoq Abdulla Oripovning she’riy to‘plamlarini yoddan bilardim. Biror tadbir bo‘lsa, har doim u kishining she’rlaridan namunalar o‘qib berar edim. Keyinchalik o‘zim ham she’r yoza boshladim. Kechagidek yodimda, ilk yozgan she’rimni adabiyot fani o‘qituvchimizga ko‘rsatganimda, u kishi meni bag‘rilariga bosib, kelajakda yetuk shoir bo‘lishimga oq yo‘l tilaganlar. Shundan so‘ng birin-ketin tuman va viloyat gazetalarida she’rlarim chop etila boshladi. Bu esa menga yanada ilhom bag‘ishladi.

Erkinning samimiy so‘zlarini tinglab turib uning bu orzu-niyatlariga yetishishida doimo



omad yor bo‘lishini tilaymiz.

Yana bir suhbatdoshimiz oddiy askar Eldor Bo‘tayev safdoshidan farqli ravishda badiiy ijodning rassomchilik janri bilan shug‘ullanadi. U Samarqand viloyatining Urgut tumanida voyaga yetgan. Eldorning go‘zallik timsoli bo‘lgan mashqlarini tomosha qilar ekansiz, oq qog‘oz va oq matoda mo‘jizalar yaratayotgan ijodkorning betakror iste’dodiga tahsinlar o‘qiysiz. Uning ijodiga mansub mashqlarni diqqat bilan tomosha qilsangiz, ulardagi har bir chiziq, har bir belgidan o‘ziga hos ma’no topasiz. Bularga boqib, qahramonlar yoxud o‘zingiz bilan, yoki olis xotiralaringiz haqida suhbatlashganday bo‘lasiz. Noma’lum bir kuch, sehr sizni o‘z sirli olamiga olib kiradi, go‘yo. Beorom qalb mahsuli bo‘lgan bu mashqlar o‘zining hayrati, sog‘inchi, quvonchi va dardlari bilan sizning ruhingizga, yuragingizga oson ko‘chadi. Va atrofingizdagi rango-rang olamda shu paytga qadar siz ko‘rmagan, sezmagan, his etmagan yana qancha sehrli olam borligini dildan tuyasiz. Mo‘jizalar bilan yuzma-yuz bo‘lasiz. Shu bois ulardan ancha vaqtgacha ko‘z uzolmay qolasiz. Bu ham bo‘lsa ijodkorning ulkan iqtidori va iste’dodidan dalolat. Aslida inson biror bir maqsadni diliga tugar ekan, unga sidqidildan kirishadi va biror hatto huzur-halovatidan, oromidan voz kechadi, tinimsiz mehnat qiladi. Uning bu mehnati samarasi esa chinakamiga e’tirof etilganida namoyon bo‘ladi.

– Hayotimni mo‘yqalamsiz, ranglarsiz tasavvur qilolmayman, – deydi qahramonim. – Bolaligimdan boshlab rasm chizish bilan shug‘ullanganman. Mendagi bu ishtiyoqning tug‘ilishiga otam – Zarifboy Uzoqov sababchi bo‘lgan. Chunki esimni taniganimdan otamning matoga rasm chizayotganlarini ko‘rganman. Men esa oldilarida o‘tirib chizgan rasmlarini tomosha qilardim. Bilasizmi, mana shu rasmlarga qarab soatlab o‘tirardim. Chunki ulardagi naqshlar meni o‘ziga ohanrabodek tortardi va mendagi tasviriy san’atga bo‘lgan qiziqishimni oshirardi. Keyin-keyin men ham turli naqshlarning, qushlarning, boringki, o‘zim uchun qiziqarli tuyulgan barcha narsa-buyumlarning rasmlarini chiza boshladim. Bu bora-bora hayotimning mazmuniga aylandi. Harbiy xizmatni tamomlab, rassomchilik bo‘yicha tahsil olmoqchiman.

Ha, chin ko‘ngildan qilingan mehnat albatta o‘z samarasini beradi. Buning uchun insondan faqat intiluvchanlik va tirishqoqlik talab etiladi. Oddiy askarlar Erkin Bo‘riyev va Eldor Bo‘tayevlar esa ijodini kuzatar ekansiz, ular bunday fazilatlarga ega ekanligiga ishonch hosil qilamiz.

**Gulnora MURODOVA.**
**Ahror OCHILOV suratga olgan.**

## «VATAN, SENI BORIM DERMAN...»

**Vatanni ko‘z qorachig‘idek qo‘riqlash, uning sarhadlari daxlsizligini ta’minlash har bir er yigit oldidagi muqaddas burchdir. Shu bois ham yurt posbonlari bo‘lgan harbiylarning xizmatlari shon-sharafga yo‘g‘riladi. Bu bejiz emas albatta. Ularning sharafli xizmatlari, o‘z burchlarini sadoqat bilan ado etishlari, tunu kun hushyorliklari sabab, yurtimiz tinch, turmushimiz osuda. Men ham jangovar safda ekanimdan faxrlanaman.**

O‘zim haqimda gapiradigan bo‘lsam, Surxondaryo viloyati, Denov tumanida voyaga yetganman. 2008 yil kuzgi chaqiruvga muvofiq barcha tengdoshlarim qatori harbiy xizmatga chaqirildim. Ayni damda harbiy qismda o‘z yigitlik burchimni o‘tayapman. Qishloq sharoitida o‘sib-ulg‘aygan, to‘yu tomoshalarda kurash tushib chiniqqan yigit uchun armiya saflarida xizmat qilish haqiqiy shijoat, mahorat va sabot maktabi bo‘layapti, desam mubolag‘a bo‘lmaydi. Buni men xizmatga kelgan dastlabki kunlarimdayoq his qildim. To‘g‘risini aytsam, muddatli harbiy xizmatga chaqirilgunimga qadar armiya haqidagi tasavvurlarim butunlay boshqacha edi. Ana shu tasavvurlarim bois harbiy qismga kelganimda posbonlarga yaratilgan qulay shart-sharoitlarni ko‘rib, ajablandim. Ma’naviyat va ma’rifat xonalari, kutubxona, zamonaviy jihozlangan sport zali. Bularning bari posbonlar ixtiyorida. Dam olish soatlarida kutubxonada kitob mutolaa qilamiz yoki sport zalida biror-bir sport turi bilan shug‘ullanib, mahoratimizni oshiramiz. Shu boisdan ham armiyada jismonan va ma’nan chiniqdim, deya ayta olaman. Quvonarlisi, o‘tgan davr mobaynida tug‘ilib o‘sgan qishlog‘imga, ota-onamga komandirlarimiz tomonidan bir necha bor tashakkurnoma yuborildi. Bunday e’tibordan juda xursandman.

Armiya hayoti menga ko‘p narsani o‘rgatdi. Hayotga kengroq nazar tashlaydigan bo‘ldim. Eng muhimi, harbiy kasb egasi bo‘lish ishtiyoqi qat’iy maqsadga aylandi. Vatanga bo‘lgan mehrim oshdi. Men endi asl farzand bo‘lib, Vatanimiz tinchligini saqlash yo‘lida hayotimni harbiy soha bilan bog‘lamoqchiman. Bir narsa aniqki, qalbimning to‘ridan joy olgan yurt muhabbati, orzularga yetish yo‘lidagi ishtiyoq menga kuch-quvvat bag‘ishlaydi.

**Oddiy askar Bahodir XURRAMOV.**

## QARORI HARBIYLIK



Milliy armiyamizning har jihatdan taraqqiy etishi unda xizmat qilayotgan insonlarning kasbiga, burchiga sadoqati, shuningdek, mehru muhabbati bilan belgilanadi. Bugun armiya saflarida xizmat qilayotgan yigit-qizlarning ko‘pchiligi buni teran his qiladi.

Oddiy askar Rahimberdi Turdiyev ham Vatan himoyasini zimmasiga olishni sharaf, deb bilgan yigitlardan. U muddatli harbiy xizmatga Farg‘ona viloyati Beshariq tumani mudofaa ishlari bo‘limi tomonidan chaqirilgan.

– Men milliy armiyamizda xizmat qilayotganimdan faxrlanaman, – deydi oddiy askar. – Harbiy xizmat mening ham hayotim mazmuniga aylangan. Yigitlik maktabi atalmish armiyada ancha toblandim, chiniqdim, ko‘p narsalarni o‘rgandim. Ayniqsa, jangovar, ijtimoiy-siyosiy tayyorgarlik mashg‘ulotlaridan ko‘p saboqlar olyapman. Bilim va malakamizning oshishida qism miqyosida o‘tkazilgan turli musobaqa, bellashuvlar muhim o‘rin tutmoqda.

Muddatli harbiy xizmatga qadar sportning yengil atletika, qo‘l jangi turlari bilan muntazam shug‘ullangan yigit bu borada qator yutuqlarni qo‘lga kiritganini ta’kidlab o‘tish joiz. Chunonchi, qo‘l jangi bo‘yicha tumanda o‘tkazilgan musobaqada u faxrli uchinchi o‘rinni egallagan.

– Oddiy askar Turdiyev qismimizdagi eng ilg‘or posbonlardan biridir, – deydi shartnoma bo‘yicha xizmat serjanti Farhod Xudoyqulov. – U jangovar, jismoniy, ijtimoiy-siyosiy tayyorgarliklar bo‘yicha doimo oldingi saflarda. Qo‘l jangi sir-asrorlarini safdoshlariga ham o‘rgatib kelmoqda. U harbiy qismda davlat va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda o‘tkazib kelinayotgan turli tadbirlarda faol ishtirok etib keladi.

O‘g‘lonning intiluvchanligi, tirishqoqligi, xizmati davomida zimmasidagi vazifalarni vijdonan ado etib kelishi o‘z samarasini berdi. U «Harbiy sportchi» ko‘krak nishoniga ega bo‘ldi.

– Armiya menga ko‘p narsani o‘rgatdi, – deydi u. – Qat’iyatli, mustahkam irodali bo‘lish insonni doimo g‘alabaga chorlaydi. Sportda ham, hayotda ham bu haqiqat o‘zini namoyon qiladi. Harbiy sohaga mehr qo‘yishimda amakim serjant Ahror Turdiyevning ta’siri katta bo‘lgan. Muddatli harbiy xizmatning belgilangan muddatini o‘tab bo‘lgach, amakim singari shartnoma asosida xizmatga qolishga ahd qildim.

Ha, harbiy libosi o‘ziga yarashgan, qalbi ertangi kunga ishonchdan kuch olayotgan yigitning orzusiga erishishiga ishonamiz.

**Abdulloh NIYOZOV.**
**Alisher MUHAMMEDOV suratga olgan.**

# МАЛАКА

Ҳарбий қисм тиббиёт пунктларида

## ПОСБОН САЛОМАТ – ЮРТ ОСОЙИШТА

Миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган юрт ҳимоячиларининг ҳар томонлама мукаммал билим олишлари, ҳам жисмонан, ҳам маънан шаклланишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Шунингдек, уларнинг доимо соғлом бўлишлари йўлида тиббиёт ходимлари ҳам беминнат хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Тиббий хизмат майори Нурхон Хушвақов етакчилигида фаолият кўрсатаётган ҳарбий шифокор, ҳамшира ва фельдшерлар юрт ҳимоячилари саломатлигини асрашдек масъулиятли вазифани юракдан ангалаган ҳолда хизмат қилиб келишяпти. Тиббиёт пункти атрофи аввало тозалиги, саранжом-саришталиги билан диққатни тортади. Ичкарига кирар эканмиз, муолажа ва касаллар хонасининг ҳам озода, шинам ва ёруғ эканлигига гувоҳ бўлдик.

Ҳозир айни қишки мавсум ўқув машғулотларининг қизғин паллага кирган даври. Бу даврда посбонларни шамоллашдан, гриппдан, турли юқумли касалликлардан сақлаш каби вазифалар шифокорларнинг асосий эътиборида бўлади. Ётоқхоналарда, ўқув хоналари ва майдончаларида қайнатилган чой доимо тайёр. Посбонлар билан ҳар куни шахсий гигиена бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

– Посбон саломат бўлса, – дейди тиббий хизмат майори Н. Хушвақов, – унинг жанговар шайлиги ҳам юксак бўлади. Шунинг учун уларнинг соғлиғига ҳар дақиқа масъул эканлигимизни унутмасдан, хизмат қилиб келяпмиз. Бунинг учун тиббиёт пункти зарур асбоб-ускуналар билан етарли таъминланган. Малакали, кўп йиллик тажрибага эга шифокору фельдшерлар туну кун посбонлар хизматида.

Тиббиёт пункти дорихонасига кирар эканмиз, саранжом-саришталик, озодаликка, дори-дармонларнинг рўйхат бўйича сақланаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Дорихона бошлиғи Қуролли Кучлар хизматчиси Тиллажон Ражаметова шифокор кўрсатмасига биноан беморларга керакли дориларни тарқатаркан, уларга зарур маслаҳатлар беришни ҳам унутгани йўқ.

– Юрт посбонлари саломатлигини асраш йўлида доимо изланишдамиз, – дейди у. – Малакали устоз шифокорлардан соҳасир-асрорларини ўрганиб, билимларимни янада бойитиб боряпман. Ўз соҳамнинг ҳақиқий билимдони бўлишга ҳаракат қилаяпман. Доришуносликка оид адабиётларни ўқиб, тажрибамни ошираяпман.

Дарҳақиқат, бу ерда фаолият кўрсатаётган шифокор ва фельдшерларнинг барчаси бир неча йиллик бой тажрибага эга мутахассислардир.

Тиббиёт пунктида офицерлар Ўктам Холматов, Шуҳрат Мардонов, ички касалликлар шифокори, Қуролли Кучлар хизматчиси Наргиза Йўлдошева, фельдшер кичик сержант Дилдора Амантаева, ҳамширалар Дилором Тожибоева, Дилбар Асқарова, санитар йўриқчи, шартнома бўйича хизмат оддий аскари Ойгул Саидазимова каби малакали ва тажрибали тиббиёт ходимлари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, посбонлар саломатлиги йўлида жонкуярлик қилиб келмоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, ўз масъулият ва бурчларини яхши англаган саломатлик посбонлари доимо малака ва тажрибаларини ошириб боришмоқда.

**А. ШУКУРУЛЛАЕВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**



Твои герои, Узбекистан!

# ОН НЕСЕТ ЛЮДЯМ РАДОСТЬ

**На деревообрабатывающем заводе такое не редкость, когда вечером в цеху завершается изготовление и комплектация очередной партии мебели, и тут же она загружается на автомобили. Уже на следующий день самолетом или автомобильным транспортом мебель доставляет в отдаленные гарнизоны, занимая свое место в учебных классах, спальных кубриках или квартирах военнослужащих.**



Начальник цеха деревообрабатывающего завода (ДОЗ) Министерства обороны Республики Узбекистан служащий Вооруженных Сил Муртоза Салахитдинов не раз и сам возглавлял такие оперативные бригады из наиболее квалифицированных рабочих. Можно сказать, что вопросы благоустройства в отдаленных гарнизонах стали для него привычным, но всегда волнующим делом.

– Одно дело, когда видишь изготовленную тобой мебель на складе или в магазине, – говорит он, – и совсем другое, когда в только что законченном строителями здании Школы подготовки сержантов или расположении воинского подразделения своими руками собираешь то, что с любовью делал в цеху. Современного военнослужащего трудно удивить комфортом. Но когда мы завершаем работу, то всегда видим радостные лица офицеров и сержантов, их жен и детей, слышим восхищенные слова благодарности. Ради этого стоит работать на нашем предприятии.

Рабочий день у Муртозы Махамадовича начинается, как и у людей военных, с уяснения поставленных перед коллективом новых задач. Спокойный и рассудительный по характеру, он очень требователен к себе и окружающим в вопросах поддержания дисциплины и порядка. Эти качества помогли ему успешно перейти на выпуск новой отвечающей современным требованиям мебели. За последние годы он хорошо освоил новые виды современного технологического оборудования по переработке пиломатериалов, знает и умело использует его возможности. На работе он всегда лично принимает участие в разработке новых технологических процессов.

Каждому небольшому празднику – выезду в военные городки для выполнения работ по сборке и установке мебели и новой продукции, предшествует большая и напряженная творческая работа. На предприятии в короткие сроки организовал выпуск продукции с применением новых прогрессивных материалов. Отработанная в цеху технология изготовления мебели и другой продукции с применением металлоконструкций позволила намного продлить ее надежность и срок службы. Осваивая новые, прогрессивные технологии, производственный коллектив, возглавляемого Муртозой Махамадовичем, цеха деревообработки работает с высокими производственными показателями, тем самым обеспечивает положительные результаты деятельности предприятия в целом.

Рабочие гордятся тем, что принимали участие в изготовлении мебели для проведения прошедших с большим успехом выставок в Министерстве обороны и военных округах. Но гораздо охотнее Муртоза Махамадович любит рассказывать о том, как непосредственно участвовал в разработке выпуска мебели для семей военнослужащих. Сегодня именно они составляют костяк нашей профессиональной армии, и сделать дом сержанта или офицера, его быт, соответствующим их высокому предназначению, для М. Салохитдинова и его коллег по деревообрабатывающему предприятию – дело чести.

Свою трудовую деятельность на предприятии, кстати бывший военнослужащий, начал с рядового рабочего. Профессиональные навыки приобретал последовательно, проходя все заводские должности, а также изучая для повышения квалификации новые технологии, техническую и справочную литературу.

Сегодня он как начальник цеха имеет высокий уровень профессиональной подготовки, умело применяет свой опыт и знания на практике, как для решения поставленных задач, так и для обучения молодых рабочих и специалистов. И его труд по достоинству оценен руководством страны.

За заслуги в укреплении обороноспособности страны, обеспечении спокойствия нашего народа, служащий Вооруженных Сил Муртоза Салахитдинов Указом Президента Республики Узбекистан награжден медалью «Содик хизматлари учун».

И это еще одно свидетельство того, что в нашем государстве, в нашей армии, тот, кто в повседневной и трудовой деятельности является примером поведения, дорожит честью и достоинством коллектива, всегда будет пользоваться заслуженным авторитетом и уважением. По труду и честь.

**Владимир КАЛОШИН.**
**Фото автора.**

# МАЪНАВИЯТ

## ВАТАН, КЎРАР КЎЗИМ, АЙТАР СЎЗИМСАН

**Абдулла ОРИПОВ... Улуғ миллатнинг улуғвор ва ўлмас қўшиғига муаллиф бўлган инсон, халқ шоири. Она Ўзбекистоннинг қаҳрамон ўғлони, танти элнинг танти фарзанди, миллатнинг жўшқин ва сўнмас овозидир у.**

**Отамсан, онамсан, ўғлим, қизимсан,**
**Кўрар кўзимсану айтар сўзимсан.**
**Юртбошим меҳрини мужассам этган**
**Қашқадарё рамзи – ёруғ юзимсан.**

**Бу меҳру муҳаббатга тўлиқ сатрлар Қарши шаҳрида муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан меҳнаткаш, мард, танти халқимиз, ўзбек оиласи тимсоли бўлмиш «Эл-юрт таянчи» монументи бунёд этилиши муносабати билан ёзилган.**

**Шоирнинг дилга яқин байтлари болалигимдан таниш. Ўн олти яшар Зулайҳо опамнинг катта ҳовлимизда уй юмушларини бажариш асносида такрор ва такрор айтадиган**

**Ёмғир тинмай ёғди кун бўйи,**
**Ёмғирли кун каби эзилди дардим.**
**Яйдоқ кўчаларда жим юрган қўйи**
**Сенинг изларингни ахтардим...**

**Сатрлари унинг оғзидан биз кичкиналарга ҳам ёд бўлиб кетганди. Субҳдан кун боттунга қадар далаларда ўттан ёшлигимизнинг ёрқин йўлдоши бўлган сатрлар... Кўнгилларни осмон қадар юксакликка олиб чиқадиган севги мактубларига унинг ҳароратли байтлари кўрк бўлди. Унинг шеърияти бир зилол чашмадирки, ташна кўнгиллар қониб-қониб баҳраманд бўладилар. Қаҳрамон шоиримизнинг улкан ижодига она халқи юксак баҳони бериб бўлди, бизга йўл бўлсин! Имкониятдан фойдаланиб, ўқувчиларимизни ардоқли шоиримиз суҳбатидан баҳраманд қилишни лозим топдик.**

**– Ватан ҳимояси муқаддас бурчдир. Бугунги юрт ҳимоячиси қандай инсон бўлмоғи лозим, деб ўйлайсиз?**

– Муҳтарам Президентимиз Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов Қуролли Кучларнинг 17 йиллик байрами муносабати билан йўллаган Мурожаатида миллий армиямиз олдида турган муҳим вазифалар ҳақида батафсил тўхталиб, мамлакатимиз мудофаа салоҳияти муттасил равишда ўсиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Табиийки, ҳозирги замон аскари ҳар қандай буйруқни англаб, тушуниб адо этадиган фидойи инсон бўлиши керак. Шу маънода Юртбошимиз олдимизга қуйидаги масъулиятни қўйдилар: «Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт».

Дарҳақиқат, посбон маънавияти ҳар қандай шароитда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Буни шавкатли боболаримиз фаолиятида юз берган кўпгина ибратли воқеалар ҳам тасдиқлайди. Беназир саркарда Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари жанг майдонида байроқнинг доимо баланд бўлишига эътибор бериб, унинг эгилиши душман-ёғийни руҳлантиради, деганлар. Бу гаплар замирида кучли маънавий қатлам турибди. Ёхуд чингизий босқинчиларга қарши курашда ёғий томонидан берилган имтиёзларни рад этиб, ўз юртини эл қатори ҳимоя қилиб, байроқ дастасини чангаллаган кўйи ҳалок бўлган улуғ шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларини эслайлик. Бунинг тагида ҳам ғоят ибратли маънавий қатлам турибди. Бу маънавий қатламнинг энг муҳим, энг юқори белгиси шубҳасиз она юрт, она Ватанни ҳимоя қилиш туйғусидир!

Катта мамнуният билан қайд этишимиз зарурки, бугунги ёшларимиз қалбида Ватан ҳамда унинг мустақиллигини асраб-авайлаш ҳислари боболаримиздан қолган фидойилик туйғулари билан қўшилиб кетган. Қайси йили жанубий сарҳадларимизда, Ҳайратон кўприги яқинида чегарачи йигитлар билан учрашдим. Умрбод эсимдан чиқмайдиган бир суҳбат бўлган эди, ўшанда. Тошкент вилоятининг Қибрай туманида туғилиб ўсган бир посбон йигитчага: Сен кечаю кундуз чегарада турасанми, қабилида савол бердим. У менга: «Айниқса, кечалари посбонлик қилишни ёқтираман», деб қолди. Бунинг сабабини сўрасам: «Тунда катта мамлакатимнинг катта халқи ором олаётганини, мен эса унинг оромини қўриқлаётганимни ҳис қиламан», деб жавоб қилди. Бу ҳам туғма маънавиятнинг бир қатламидир.

Бугунги кунда миллий армиямиз сафларида йигитлик бурчини ўтаган ёшларимизга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Бу ҳақда муҳтарам Юртбошимизнинг Мурожаатларида, ҳам алоҳида таъкидланади: «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ва сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган йигирма икки минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда».

**– Туғилиб ўсган гўшаси ҳақида инсон ҳамиша энг яхши гапларни айтишга интилади. Бир суҳбатингизда бунинг ғоят самимий ва ёрқин кўриниши оддийгина тилда шундай ифодаланган эди: «Ўша Қўнғиртовда бизнинг болалик йилларимиз ўтган. Баҳор келганда ҳавони ўтўланнинг ёқимли, хушбўй ҳиди қоплар, шаррос ёмғир қуйганда биз тоғ чўққиси унгуридаги кичик-кичик ғорларга бекиниб олардик. Ўша юксакликдан ям-яшил бепоён кенгликларни томоша қилар эдим, тўйиб-тўйиб нафас олар эдим. Айниқса, бу жойларда жануб кечалари, юлдузли осмон ниҳоятда гўзал бўлар эди. Тим қора осмонда қўл чўзсанг етгудек улкан-улкан новвотранг юлдузлар чарақлаб туради. Ҳаётимда бундай гўзал манзараларни кейин учрата олмадим». Ўша Қўнғиртов меҳридан куч олган бўлсангиз керак, ижодингизда она Ватан мадҳи энг юксак мақомларда куйланади.**

– Ватан туйғуси инсонга она вужудидаёқ эш бўлса керак, деб ўйлайман. Йиллар, ҳаёт бу туйғуга шакл беради, сайқал беради. Бизга умуман собиқ иттифоқни ва жумладан Ўзбекистонни ҳам Ватан деб тушунтиришарди. Лекин



у катта ватаннинг имтиёзлари кичик ватанда мутлақо йўқ эди. Масалан, халқ камситилган, тилимиз эса унутила бошлаган эди. Ҳар бир шеърим ҳаётдаги маълум бир воқеа, ҳодиса билан боғлиқ, жўнроқ қилиб айтганда, ҳар бирининг турткиси бор. «Ўзбекистон» қасидасининг ёзилишига нима туртки бўлган, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, ватанинг бутун совет иттифоқи, деб уқтириб турилган бир пайтда, Ўзбекистон нима бўлди экан, деган савол юрагимнинг тубида пайдо бўлиб, ҳойнаҳой, «Ватаним – Ўзбекистон» деб шеър ёзган бўлсам, тилимизнинг ҳар қадамда ерга урилаётганини кўриб, «Она тилимга» номли шеърни ёзганман. «Тилла балиқча» деган шеър ёзиб, балога қолганман. Эмишки, сассиқ ҳовуз деганда совет тузумини назарда тутган эканман. Демакким, ҳақиқатан ҳам бир гап бор эканки, арқон уларнинг кўзига илон бўлиб кўринибди. Ўша даврда армияга чақирилган ёшларимизга менсимай қарашиб, уларни кўпроқ қурилиш қисмларига жалб этишарди. Шу сабабдан ўзбеклар орасидан офицерлар, учувчилар кам чиққан. Амир Темур ва Мангуберди авлодларини очиқдан-очиқ камситиш эди, бу. Демак, Ватан туйғуси фақат жуғрофий чегаралар билан эмас, умуман миллат ва давлат тушунчалари билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

**– «Онажон», «Аёл» номли шеърларингизни ёддан айтмайдиган одам топилмаса керак. Бу бебаҳо, ҳароратли сатрлар аёл – онага берилган юксак баҳодир. Муқаддас она каломи яна бир муқаддас калом – Ватан ила ҳамиша ёнма-ёндир. Яна шундай сатрларингиз ҳам бор:**

**Мен шарқлик одамман,**
**Аёл деган сўз**
**Менга ҳаёт билан баробар калом.**

– Аёлини қадрлаган эл улуғдир. Миллат фарзандларининг илк Ватани, кўзлари юмуқ ҳолда ҳам чайқаладиган бешиги – она вужуди. Шу сабабдан биз Ватанни ҳам она деб атаймиз. Унинг ҳимоясига доим шай турамиз.

Бир қарашда оналар ҳақида ёзилмаган гап, айтилмаган сўз қолмагандек. Бироқ бу абадий мавзу! Бу мавзу ҳаёт каби доимий ҳаракатдадир. У асло музей экспонати ёхуд ёдгорлик эмас. Дейлик, ҳар бир аскар ўз онасини қанчалик соғиниб, ардоқласа ўша жараёнинг ўзи мутлақо янги, оригинал достондир. Демак, ҳар ким ўз онаси ҳақида ўз сўзини айтиши мумкин ва жоиз. Бу улуғ силсила ҳеч қачон тўхтамай абадий давом этаверади. Мен бир шеъримда айтган эдим:

«Онадан туғилган пайғамбарлар ҳам!»

**– Абдулла ака, суҳбат кўнгил озуғи бўлган гўзал ва ҳароратли байтларингиз бўлмаса кемтик бўлиб қолади. Газетхонларимизга шеърларингиздан туҳфа этсангиз.**

## ЖЕНЕВАДА ЎЗБЕК КАЛОМИ

Аллоҳим яратган осмон тагида
Бордир Асқар тоғим, бор Эрам боғим.
Олис Европанинг қоқ юрагида
Бор менинг Женева номли қишлоғим.

Бунда **Алишеру Нодирбек** укам,
Шошни ёдга солар **Бадриддин*** номи.
Майли, меҳмон бўлиб келавер сен ҳам,
Сени қарши олар ўзбек каломи.

Фаввораси тошиб Женева кўли,
Сувини Сайҳундек шопирмоқдадир.
Нозланиб турибди Европа гули,
Женева ўзбекча гапирмоқдадир.

**Женева шаҳри.**
**2005 йил, 2 июнь.**

*Ўзбекистоннинг Швейцариядаги элчихонаси ходимлари.

## УКАЖОНЛАРИМГА

Эркин бўладилар самода қушлар,
Эркин бўладилар уйқуда тушлар.

Саҳролар қўйнида шамоллар эркин,
Ҳур инсон измида хаёллар эркин.

Эркин бўлмаса гар инсон фарзанди,
Унинг оти қулдир, унвони – банди.

Озод бўла олди энди ўзбегим,
Навоий, Бобурим, яъни ўзлигим.

Озодлик аждодлар армони эди,
Укам, бу армонлар ушалди энди.

Бизлар сал қартайдик, умид сизларда,
Ёруғ кунга боққан қора кўзларда.

Кўп йиллар сиз учун шеърлар битганман,
Мен ҳам шу куплари орзу этганман.

Ватан она бўлса, сиз – гунча, бўстон,
Сизга кўзин тиккан жон – Ўзбекистон.

**2002 йил.**

**«Ватанпарвар» мухбири**
**Инобат ИБРОҲИМОВА суҳбатлашди.**

# ҚУТЛУҒ САНА

## МАҒРИБУ МАШРИҚНИ ЛОЛ АЙЛАГАН ЗОТ



Заҳириддин Муҳаммад Бобур – исми жисмига ғоят мос, баҳодир, довюрак, шаън-шавкатли саркарда, доно ҳукмдор, беназир шоир. У бор йўғи қирқ етти йил умр кўрди. Ана шу умр ҳам қилич дамида тургандек беҳаловат, беором кечди. Аммо қисқа умри давомида кўҳна тарихдан бизгача саноқли бўлган довруқли султонлар, буюк ҳукмдорлар, шавкатли саркардалар қаторидан муносиб жой олди. Бу буюк инсон ҳақида дунё алломалари юзлаб асарлар ёздилар ва яна ёзилгусидир!

Ҳиндистон… Бу эртакнамо мамлакатга соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам юриш қилган ва уни 1399 йилда қўлга киритган. «Темур тузуклари»да бу мамлакат сари юришнинг тарихи, унга қай тариқа узоқ ва пухта режалар тузилгани, у қай тариқа амалга оширилгани ҳақида батафсил маълумотлар мавжуд. Орадан қарийб бир ярим аср вақт ўтгач, темурий ҳукмдорлардан бўлган Бобур Мирзо Ҳиндистон сари юз тутди.

Кўҳна Туроннинг довюрак йўлбарси Ҳиндистонни забт этиб, улкан салтанатга асос солди. Яратувчанлик, бунёдкорлик темурий ҳукмдорларнинг қонида бор эди. Мирзо Бобур Амир Темур даҳосидан қувват олиб яшади, жангу жадаллар олиб борди. У асос солган салтанатни уч юз йилдан зиёдроқ бобурий ҳукмдорлар бошқардилар. Уларнинг яратувчилик, бунёдкорлик ишлари, гўзал севги достонлари, ватанга муҳаббатлари етти иқлимга машҳур бўлди. Ва бу даврларнинг улкан тарихи ҳамон олам аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. «Ҳиндистон ва унинг саккиз минг йиллик тарихи бамисоли бир товус бўлса, ўша кўп минг йиллик тарихдаги бобурийлар сулоласининг 332 йиллик ҳукмронлик даври ана шу товуснинг гултожидир», – деб эътироф этган эди Вольдемар Хансен.

Жавоҳарлаъл Неру «Жаҳон тарихига бир назар» китобида Бобур Мирзо ҳақида жумладан, қуйидагиларни ёзган эди: «Бобурнинг 1526 йилда Деҳлининг заиф ва халқ нафратига дучор бўлган афғон султони устидан қозонган ғалабаси билан Ҳиндистонда янги давр, янги салтанат ҳукмронлиги бошланди. Бу салтанат унча катта бўлмаган танаффус билан … ҳукмронлик қилди. Бу беқиёс куч-қудрат ва шон-шуҳрат йиллари Ҳиндистоннинг довруғи бутун Осиё ва Оврупони тутган давр эди… Бобурнинг насл-насаби Чингизхон ва Темурга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам уларнинг куч-қудрати ва ҳарбий салоҳияти унга мерос бўлиб қолган. Бобур замондошлари орасида энг маданиятли ва дилбар инсонлардан бири эди. У ягона мазҳабдаги чекланганлик ва диний мутаассибликдан холи, вайронагарчиликка йўл қўймас эди. Санъат ва адабиётга қизиқар, гўзал ғазаллар битарди. Анвойи гуллар, боғ-роғларга меҳр қўйган, иқлими иссиқ Ҳиндистонда Ўрта Осиёдаги юртини қўмсаб яшарди.

Бобур ўз хотираларини ёзиб қолдирган. Бу ажойиб асар муаллифнинг бой ички дунёсига назар ташлаш имконини беради. У бизга Ҳиндистон, унинг ҳайвонлари, ўсимликлари, дарахт ва мевалари ҳақида ҳикоя қилиб беради. Ҳатто, қурбақаларини ҳам эсдан чиқармайди. Киндик қони томган юртининг қовунлари, узумлари ва гулларини соғиниб тилга олади..»

Дарҳақиқат, оламда юрт соғинчини шоҳ Бобурдек ёниб, қайғу-надоматга тўлиб куйлаган яна бир шоир бормикан:

**Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда ғам ҳар су,**
**Оқар сувнинг фироқидин кўзумдин ҳар доим оқар сув…**

деган маҳзун сатрлар Ватанга соғинч ҳислари билан тўлиб-тошган, ёнаётган улкан қалбнинг нолалари эмасми…

Буюк ватандошимизнинг умр йўли бошдан-оёқ тақдир имтиҳонларидан иборат бўлди. У ўн икки ёшлигида отаси Умаршайх Мирзо ҳалок бўлди. Ва шу кундан бошлаб ўн икки ёшли ҳукмдорнинг умри мудом от устида, жангу жадаллар билан ўтди. Бобур Мирзонинг бетакрор шахсияти кўпларни мафтун этиб келади. Мирзонинг мардлик ва мурувватда, заковат ва матонатда тенгсиз шахсиятининг мафтуни, асири бўлганлардан бири севимли ёзувчимиз Хайриддин Султон шундай ёзган эди: «Гарчанд маърифатли мурғак кўнгли илму зиё сари парвонадек талпиниб турса-да, тақдир унга на Бухорои шариф мадрасаларида, на Бағдод байтулҳикмаларида таҳсил кўрмоқликни насиб этди.

Лекин даҳо заковати ва илоҳий қалами билан у оламнинг тенгсиз адабий ва илмий мўъжизаларини яратмоқликка мушарраф бўлди.

Зотан унинг муаллими ҳам, мураббийи ҳам шу бешафқат Ҳаёт эди».

Дарҳақиқат, жаҳон адабиёти ва манбашунослигининг энг муҳим ва ноёб ёдгорлиги ҳисобланган биргина «Бобурнома» асари ҳам даҳо заковатининг ёрқин ифодасидир. Бу машҳур асар 1494-1529 йилларни ўз ичига қамраб олиб, ўша йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий-сиёсий воқеаларни ўта аниқлик билан ёритиб беради. Эътиборлиси мазкур воқеалар муаллиф фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Бебаҳо асар воқелар жараёнига кўра уч қисмга: Бобур Мирзонинг Мовароуннаҳр (1494-1504), Афғонистон (1504-1524) ва Ҳиндистон (1524-1530)даги ҳукмронлик даврига бўлинади.

Машҳур асар XVI асрдан то шу кунларга қадар инглиз, голланд, француз, форс, немис, итальян, рус, ҳинд, урду, япон тилларига таржима қилиниб келинади. Диққатга сазовор томони шундаки, бугунги кунда ҳам Англия, Америка, Франция, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Япония каби ўнлаб мамлакатларнинг йирик олимлари ўзларининг кўплаб илмий тадқиқотларида «Бобурнома»нинг инсоният яратган ўлмас обидалар қаторида муҳим ўрин тутишини алоҳида эътироф этадилар.

«Бобурнома»нинг учинчи қисми Ҳиндистондаги ҳукмронлик даврига бағишланади. Маълумки, бу улкан афсонавий мамлакатни Маҳмуд Ғазнавий, Соҳибқирон Амир Темур ҳам забт этганлар, аммо бу ерда муқим қолишмаган. Ҳиндистоннинг Мирзо Бобур томонидан фатҳ этилишида тарихда «Панипат жанги» номи билан зикр этиладиган улкан муҳораба муҳим аҳамият касб этади. Бунда довюрак саркарда бир ярим, кўпи билан икки минг аскари билан Ҳиндистон ҳукмдори Султон Иброҳим Лўдийга қарши қўшин тортди. Мазкур тўқнашув Мирзо Бобурнинг юксак саркардалик салоҳиятининг энг ёрқин кўринишларидан бири бўлди. Ҳинд муаррихлари ҳам бу жангга Ҳиндистон тарихида бурилиш ясаган улкан ҳарбий-сиёсий воқеа деб баҳо берадилар.

Бу ҳақда Бобур Мирзо шундай ёзган эди: «Аввал навбатким, Беҳрага келдук, минг беш юз, ниҳояти икки минг киши бўлғой эдук. Бешинчи навбатким келиб, Султон Иброҳимни босиб, Ҳиндустон мамоликини фатҳ қилдим, ҳеч қачон Ҳиндустон юрушида мунча черик била келилмайдур эди. Навкар ва савдар ва чокар жамиъ черик била бўлғонлар ўн икки минг киши қаламға келди… Ҳиндустон мамлаккати Беҳрадин Баҳорғача афғон тасарруфида эди, подшоҳи Султон Иброҳим эди. Вилоят ҳисоби била беш лак черики бўлмоқ керак эди. Ул фурсатта юрт умароси мухолафат мақомида эрдилар. Ҳозир черикини бир лак ченарлар эди. Ўзининг ва умаросининг минг чоғлиқ фили бор, дерлар эди. Бу ҳол ва бу қувват била таваккул қилиб, ўзбакдек юз минг қари ёғийни орқада қўюб, Султон Иброҳимдек қалин чериклик ва васиъ мулклук подшоҳ била рўбарў бўлдук…

Таваккулимизга яраша Тенгри таоло ранж ва машаққатларимизни зойиъ қилмай, мундоқ зўр ғанимни мағлуб қилиб, Ҳиндустондек кенг мамлакатни мафтуҳ айлади…»

Ҳа, бу тенгсиз муҳорабада темурий подшо сулоласининг ҳам тақдири ҳал бўлди. Улкан мамлакатда баҳодирлар авлоди бўлган қудратли бобурийлар сулоласига асос солинди. Саркарда Аграни ўзига пойтахт сифатида танлади ва катта қурилиш, ободончилик ишларини олиб борди. Мирзо Бобур Ҳиндистонда кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга оширди, унинг тараққиётига жиддий таъсир кўрсатди. Тарқоқлик ва парокандаликка , ўзаро ички низо, қирғинларга барҳам берди, юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва деҳқончиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Улуғ меъмор, буюк бунёдкор сифатида қурилиш ишларига бош бўлди.

Улуғ инсон, бобурийлар сулоласининг асосчиси, Шарқнинг буюк саркардаси, ҳазрат фирдавсмакон Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий… Бу зотни шундай таъриф этардилар: «Ундан мудом ҳайратомуз ҳамда зиддиятли ишлар содир бўлиб турарди. Баъзида эски пўстинни кийишдан ор этмай, тариқ унидан бўлган бир коса ёрмага қаноат қилган бу инсоннинг баъзан бутун бир иқлимни забт этиш билан ҳам иштиёқ косаси тўлмас эди… шу қадар боадаб ва андишали эдики, ўз заифалари ҳижобсиз пайтда уларнинг ҳузурига кирмасди. Гоҳида эса худди қутурган денгиз тўлқинларидек қайнаб тошар, харсанг тошлар унинг отлари тақаси остида ипакдек уваланиб кетарди. Синд дарёсининг шиддатли ва даҳшатли тўлқинлари билан ўйнашар, Ҳиндикуш тоғининг қорбўронларида йўлга отланишдан ҳам қўрқмас, дарғазаб булутлар билан курашга тушадигандай наъра тортарди.

Қаерда қоятош учраса, унинг ўртасига ўзининг номини ёздирарди. Душманлари билан шердек олишар, қоплондек ҳамла қиларди».

Салтанати Ҳиндистоннинг у юзидан Жайҳуннинг бу бетигача чўзилган бу жаҳонгир саркардалик ташвишлари билан бирга кечалари шамчироқ ёруғида мутолаа қилиб, тунни тонгга улади. У ўз замонасининг барча билимларидан бохабар бўлиб, ашъор битмоқ, тарихлар тузишда маҳоратга эришган эди. Шунингдек, янги алифбо ҳам яратганди. Мусиқани теран англарди.

Улуғ саркарданинг Кобулга муҳаббати бениҳоя зўр эди. Ўлимидан сўнг Кобул тупроғига қўйишларини васият қилган эди. Уни Аградаги нурафшон боққа дафн этдилар. Мирзо Бобур қабрининг Кобулга кўчириб келтирилишида малика Биби Муборика Бегимнинг кўрсатган саъй-ҳаракатларига тўхталиб ўтишни лозим деб топдик. «Ҳумоюннома»да Бобуршоҳнинг Ҳиндистонга юриши олдидан (яъни, 1519 йиллар атрофида) Юсуф-зай деб аталган афғон уруғи сардори Маликшоҳ Мансурнинг қизи бўлган Афғон оғачани ўз никоҳига олгани ҳақида сўз юритилади. Бу малика Биби Муборика, ёки баъзи манбаларда айтилишига қараганда Бека Бегим эди. Тарихнавис Ҳофиз Муҳаммаднинг гувоҳлик беришича, Бегим Бобуршоҳнинг энг кенжа ва энг севимли завжаси бўлган ва Ҳиндистон сари юришларида доим ҳамроҳлик ва ҳамдардлик қилган садоқатли малика мана шу Биби Муборика эди. Аммо тақдир унга фарзанд ато қилмади. Малика бегим Бобуршоҳдан фарзанд кўрмаган бўлса ҳам, эрига бўлган садоқати ва вафодорлиги туфайли Шершоҳ Сур тазйиқи остида саройдагилар Агра ва Деҳлини ташлаб чиқиб кетаётган аянчли бир пайтда марҳум эрининг васиятини амалга оширишга ҳаракат қилди. Дадиллик ва жасорат билан, ўз ҳаётини хавф остига қўйишдан заррача чўчимай Бобуршоҳ қабрини кўчириб олиб кетиш учун Шершоҳнинг рухсатини олишга эришди. Фидойи малика бегимнинг зўр интилишлари билан буюк зотнинг қабри Кобулга келтириб дафн қилинди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳи ғозий ҳақидаги сўзимизни севимли шоиримизнинг қуйидаги сатрлари билан мухтасар қилсак:

**Баҳодирлик ичра ёр Сизга Ҳумой,**
**Сиз улуғ зотларнинг изин босган эр.**
**Назмий саждагоҳда Сизга, ҳойнаҳой,**
**Имомликка ўтгай фақат Алишер.**

**Инобат ЗАКАРИЁЕВА.**

# «РИСОЛАЙИ АРУЗ»

Буюк давлат арбоби, саркарда, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарини ўқир экансиз, ул зот ноёб салоҳиятли адабиётшунос олим сифатида ҳам кўз олдингизда намоён бўлади. У ижодкорларга баҳо бераркан, адабиётшуносликнинг кўп масалаларига эътибор қаратади. 1526 йил воқеалари баёнида бир байтини келтириб, уни 504 вазнга солганини айтади. Бу иш «Рисола» ёзилишига туртки бўлганини таъкидлайди: «Ушбу айёмда бу байтимни:

Кўзу қошу сўзу тилиниму дей,
Қаду хадду сочу белиниму дей, -

беш юз тўрт вазнда тақтиъ қилдим. Бу жиҳатдин рисола тартиб берилди».

«Рисолайи аруз»нинг ягона қўлёзмаси Париж миллий кутубхонасида 1308 рақами билан сақланади. Ушбу қўлёзма ҳақида дастлабки маълумот Е. Блоше каталогида учрайди. XX аср 30-йилларидан бошлаб адабиётшунослик илмида «Рисола» ҳақида мулоҳазалар баён этила бошлаган. Турк олими Ф. Кўпрулизода, 60-йилларда уйғур адабиётшуноси М. Ҳамроев, рус шарқшунослари В. Асланов, А. Шчербакларнинг тадқиқотларида асарнинг илмдаги қиммати эътироф этила бошланди.

1968 йил профессор Ҳамид Сулаймон асар қўлёзмасининг микрофильмини Ўзбекистонга, Адабиёт музейи фондига олиб келди.

70- йиллар бошларида ўзбек олимлари «Рисолайи аруз»ни махсус тадқиқ этишни бошладилар.

1971 йил Сайидбек Ҳасан асарнинг транслитерацияси ва факсимилини чоп эттирди.

Рисола XVI асрдаёқ адабиёт ихлосмандлари ва мутахассисларида катта таассурот қолдирган. 1556 йилда ёзилган Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» тазкирасида муаллиф унга «Рисолайи аруз» дуру гавҳарларга тўла денгиздир», дея жуда юқори баҳо беради.

Асарнинг қўлёзма нусхаси котиб Муҳаммад Самарқандий томонидан 1533-1534 йилларда кўчирилган.

Рисола икки бобдан иборат. Биринчи боб ҳижолар ва уларнинг турлари, рукнлар, зиҳофлар, баҳрлар ва доираларга бағишланган. Иккинчи бобда вазн ва тақтиъ ҳақида маълумот берилади. Бобур вазнларга намуналарни турк ва форс адабиётидан келтириб, ҳар бир мисол муаллифини кўрсатади. Муаллифи кўрсатилмаган шеърлар эса Бобур қаламига мансублиги айтиб ўтилади.

Аруз илмида 19 та баҳр борлиги маълум. Бобур рисоласида эса уларни янада мукаммал таснифлаб, 21 баҳр, 537 вазн тақдим этилади. Мустаъмал (фаол қўлланувчи) ва мухтарақ (янги ихтиро қилинган) вазнлар ҳақида маълумот берилади: «Хотирға мундоқ кечдиким, жамиъ буҳурнинг мустаъмал ва мухтарақ вазнларининг ададларини битилгай...

Билгилки, бу йигирма бир баҳрда беш юз ўттиз етти вазн келтурулди. Бу жумладин мустаъмал вазн икки юз саксон тўққуз, мухтарақ вазн икки юз қирқ секкиз... ».

Бобур «Аруз рисоласи»да туркий аруз тадқиқига бағишланган Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Сайфий Бухорийнинг «Аруз», Носириддин Тусийнинг «Меъёрул-ашъор» асарлари билан кўп масалаларда мунозарага киришади. Аниқ ва қимматли ечимлар, хулосаларни баён этади. Бу билан туркий аруз илмининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Бобур асари «Рисолайи аруз» деб аталса-да, унда адабиётшуносликнинг кўп муаммолари тилга олинган. Уларга ойдинлик киритилган. Жумладан, ўзбек мумтоз шеъриятидаги жанрлар билан, бадиий тасвир воситаларини қўллаш билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор қаратилади. Айниқса, унинг туюқ жанри вазнлари билан боғлиқ қисмдаги мулоҳазалари муҳимдир. Бобур у ерда туюқнинг 7 турини ажратиб кўрсатади. Шундан 4 тури ўша давр шеъриятида учрайди. Уларга мисолларни ўз ижодидан ва бошқа шоирларнинг меросидан келтиради. Яна 3 турига мисол келтирар экан, буларни ўзи ижод қилганини эътироф этади. Улар бошқа ҳеч бир ижодкорда кўрилмаганини таъкидлайди: «Туюқда яна бир неча навъ хотирға етибтурким, ҳеч ерда кўрилмайдур...».

Бобур «Рисола»да ҳазаж баҳри ҳақида маълумот бера туриб, Навоийнинг ҳазажи мусаммани махсур вазнида яратилган бир мусажжаъ ғазалини келтиради. Шу ўринда мусажжаъ билан боғлиқ танқидий мулоҳазаларини баён этади. Бу билан ижодкорлар эътиборини поэтикага оид маълум муаммога қаратади. Ва ўз ижодидан бир намуна келтириб, поэтикадаги кемтикликни тўлғазишга интилади: «бу байтнинг (Навоий байтининг – И. А.) мисраларининг ҳашвидаги қофиялари рукнининг охирида воқиъ бўлмайдур, мусажжаъ ғазалларининг матлаъида сажъ камроқ риъоят қилибтурлар.

Агар риъоят қилинса, яхшироқ бўлғусидур, нечукким:

Қаро зулфинг фироқида паришон рўзгорим бор,
Юзунгнинг ишқида не сабру не қарорим бор...».

Кўриниб турибдики, «Рисолайи аруз» ўзбек адабий-танқидий қарашлар тараққиётини ўрганиш учун муҳим манбадир. Унда баҳр, вазн, жанр, поэтика билан боғлиқ кўп масалалар тадқиқ этилган. «Рисолайи аруз» ўзига хос баёз – мажмуа сифатида ҳам қадрлидир. Чунки унда 70 дан ортиқ ижодкорларнинг энг сара асарларидан намуналар келтирилади. Энг машҳур маснавийлар ёзилган вазнлар саржсоб этилади. Бу маълум даражада достончилик борасидаги тасаввурларимизни ҳам бойитади. Асардаги «Гул ва Наврўз» достонининг Ҳайдар Хоразмий қаламига мансублиги каби айрим далиллар, адабиётшуносликдаги мунозарали масалаларга ойдинлик киритади. Кўринганидек, «Рисолайи аруз» асарининг аҳамияти беқиёс. Уни келажакда чуқур тадқиқ этиш, ўзбек адабиётшунослик илми ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

**Иқболой АДИЗОВА,**
**филология фанлари номзоди.**

# АДАБИЁТ

Эркин САМАНДАР

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН

## (Тарихий романдан парча)

**(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида).**

5

Икки суворий – Ёвбосар ва Ўтбосар...

Улар хушфеъл ва хушқилиқ эдилар. Кўнгиллари ёмғирдан кейинги гул баргларидек беғубор эди. Икковининг эътиқод даражасига кўтарилган дўстлиги Бухорода оғизга тушган, бунинг бир жиҳати Санамжон деган бениҳоя сулув қиз билан боғлиқ эди.

Санамжон билан Ўтбосар кўнглида ишқ гули айни бир кунда – улар ногаҳоний учрашиб қолганларида бўй кўрсатади. Улар худди эртаклардагидай ошиқ-маъшуқларга айланадилар. Муҳаббат гулини авайлаб эл кўзидан, яқинларидан ҳам сир тутадилар.

Баногоҳ Ёвбосар соҳибжамол бир қизга кўзи тушиб, ҳуснига ром бўлиб қолади. Уни кўрмоқ, ҳуснига бир боқмоқ орзусида ўртаниб ёнади. Дилини дўсти Ўтбосарга ёради. Қандоғлигини айт, дейди Ўтбосар. Ёвбосар айтади. Таъриф-тавсиф этади, гўзаллар гўзали дейди.

Икки дўст уни қидиришга аҳд этади. Топишади. Ул соҳибжамол айни Санамжон бўлиб чиқади.

Ўтбосарнинг юзи кулади, ичи куяди. Кўнгли пора-пора бўлиб дўсти учун Санамжондан кечади.

Санамжон ва Ўтбосар севгисидан огоҳ бўлиб қолган Ёвбосар ҳарчанд оғир бўлмасин, орқага чекинади. Ўтбосар сўзидан тонмайди. Ёвбосар тисарилишдан қолмайди.

Севги воқеаси шу ерга етганида мўғуллар бостириб келади. Ёвбосар ҳам, Ўтбосар ҳам суворий эмасми, дам ўтказмай отга минадилар.

6

Ўшанда улар Чингизхоннинг кимлигини ва қандайлигини билиб олишган эди. Бунга қуйидаги воқеа сабаб бўлди.

Ёғий Бухорони қамал қилди. Ҳарчанд деворини бузай деди, тиши ўтмади.

Қалъа ичида ўттиз мингдан зиёд аскар бўлиб, бот-бот дарвозадан чиқиб ёғийга ҳужум қилишар, кучлар тенг бўлмагани (Чингиз қўшини икки юз минг) сабаб орқага қайтишарди. Эрта тағин ҳужумга чиқишарди. Уларнинг орасида Ёвбосар ва Ўтбосар ҳам бўлиб, ёғийни остонадан ҳайдамоқ йўлини ахтаришарди.

Охири хоқон Бухоро сардорларига мактуб йўллаб, дарвоза очилса, қалъа аҳлига омонлик ваъда этди.

Сардорлар ва аҳли уламо бунга ишондилар, совға-саломлар билан чиқиб, қалъа калитини Чингизга топширдилар.

Водариғ, Чингиз сўзида турмади. Мардман деб, номардларнинг ишини қилди. Лашкари қалъага ёпирилиб кирди. Йўлида не учраса, йиқди, бузди, қирди.

Чингизхон жомеъ масжиди олдига келганида отининг жиловини тортиб, бул кимнинг қасри деб сўради алломадан. Ул деди: «Бу бировнинг қасри эрмас, жомеъ масжидидур, Оллоҳнинг уйидур».

Шу сўздан кейин хоқон отдан тушса керак, деб ўйлади аллома. Бироқ Чингиз узангидан оёғини олмади. Масжидга тўппа-тўғри отда кириб борди. Аҳли уламо ҳайратдан ёқа ушлади. Худодан қўрқмайдиган каззобга дарвозани очиб, тузалмас хато қилганидан дили тирланди.

Хоқон меҳроб олдига бориб отидан тушди. Минбарга кўтарилди-да, қалъанинг барча нуфузли кишиларини олиб келишни буюрди. Улар келтирилгач, жами бойликларини тортиб олди, барини ўлдирди.

Масжиддаги нақшинкор сандиқларни кўриб имомга: «Оч», деди. Очдилар. Улардаги Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларни кўриб, барини улоқтириб ташлатди хоқон. Сандиқларни от еми сақлашга боп идиш деб топди. Ем солиб, охурларга қўйишди. Дод деган уламоларнинг, фидойиларнинг бошларини қирқишди.

Энди шароб келтирилсин, деб амр этди хоқон. Мешларда шароб келтирилди. Намозхона шаробхона бўлди. Сасиб кетди масжид, ачиб кетди.

Икки юздан ортиқ фидойилар Аркка кириб қамалиб олган эдилар. Уларни хоқон бўйсундиролмади. Аркка ўт қўйдирди.

Ёвбосар ва Ўтбосар Аркнинг айланма йўлларидан чиқиб, қалъани тарк этдилар. Бир тўп йигитлари билан Жалолиддин ҳузурига йўл олдилар.

Султон уларни ўз қабатига олди (Султондан яширин Пурахон терисидан чилдирма ишлатиб, Чингизхонга жўнатганлар ҳам Ёвбосар ва Ўтбосар бошлиқ ана шу йигитлар бўлади). Йигитлар савашларда қатнашиб ўзларини кўрсатишгач, султон уларга ўз йигитларидан қўшиб берди ва деди: «Бор, Бухорон шарифни ёғийдин тозала!»

Улар Бухоро сари келиб, Қизилқум ичкарисида тўхтадилар. Шу ердан туриб Бухорони ботқоқдан тозалашга бел боғлашди.

Улар Жалолиддинга мансуб бўлганлари сабаб ўзларини жалолийлар деб атадилар.

Мўғуллар бошларига отилаётган тошлар жалолийлардан эди. Бухорода ҳайқириқ тинмасди: «Ё ҳув, ё Оллоҳ!»

7

Қутқу барханларни ошиб ўтар. Тўрт тарафга аскарларини жўнатар. Из ахтариб кўзлари янар. Аммо, шамол қумда из қолдирмас, бирпасда кўмар-да ташлар.

Энг баланд барханга чиқиб, ҳайкалдай қотиб, атроф-жавонибга қулоқ тутар. От кишнарми, эшак ҳанграрми, деган умидда аланглар. Оёғи остидан қуён қочиб кетар. Узоқда бўри увлар. Лекин одам зотидан дарак бўлмас.

Не бўлганда ҳам ўлжадан умидини узмас Қутқу. Жалолийларни топмай орқамга қайтмайман, деб ўз-ўзига сўз берар. Барин қириб ташлайман деб жадалга минар.

Лак-лак туялар, отлар, пиёдалар қум ичкарисига силжиб борарди.

8

Чингиз Туркон хотунни чақиб олди.

– Ўлук тарих эшутиб йиғлармусен ва ё кулармусен?

Демак, Бойимхон ҳикояларидан огоҳ бу иблис. Хоқон жавоб кутар эди. Туркон хотун деди:

– Ҳам йиғлармен, ҳам кулармен.

– Бу икки ҳолга недин тушурсен?

– Давлатимни қўлдин берганимни эшутиб ўлтириб йиғлармен ва сенинг алдовларингга учганимдин кулармен.

– Алдов деб нени айтурсен?

– Онинг саноғи йўқтурур. Бири – менга ўшал мактубинг, берган ваъданг турур.

– Ҳануз сени ўлтурмабмен, демакки, сўзумда турибмен, – ўшқирди хоқон.

– Дағи не азобинг қолибдур менга бермаган?

Хоқон гапирмади. Бир пайтлар дағдағаси тоғни йиққан, ҳозирда эса қоқсуяк кампирга айланган, аммо жони қаттиқ бу нотавонга узоқ тикилиб ўлтирди. Сўнг деди:

– Ўшал ҳикоятчингга айт, бугундин бошлаб сенга маним тарихимни сўйласин.

«Менга беражак азобларидан бири бу», ўйлади Туркон хотун ва тилидан бошқа гап чиқди:

– Сенинг тарихингни ул қайдин билсун?

– Билур. Кўб яхши билур. Ўзинг-да билурсен. Андоқ эрсада, онинг тилиндин эшут. Эшутуб, ўйга тол. Ўйла, недин мен ғолибмену сенлар недин мағлуб.

Туркон хотун бошини қуйи солди.

– Дағи ул ҳикоятчига амримни етказ. Маним тарихимни ул халойиққа-да сўйласун. – Сўнг қўшиб қўйди: – Маним тарихимни ўз қўли ила дағи китобат айласун.

Қуйи солинган бошини кўтаришга Туркон хотуннинг мажоли етмас, гўё ерга кириб кетаётгандай эди.

9

Бу оқшом хоқоннинг хаёлидан Жўжи кетмади. Тушида кўриб уйғониб кетгач, қайта киприги илинмади. Туши яхши эмас эди. Жўжи жарга қулаётган эмиш. Битта чибиққа ёпишиб жон сақлаб турармиш. Чибиқнинг оғирлигини кўтара билмай, қийшайиб-синиб борармиш. Ёнида эса кўмак бергувчи киши йўқ, ўзи жон талашиб ётармиш.

Безовта бўлиб уйғонди хоқон. Жўжига не бўлди эканки, кўзига бу зайл кўринар?

Жўжининг оғринган рост. Урганж олингач, олий қароргоҳга қайтмай, ўзбошимча Дашти қипчоққа жўнаб кетгани шундан.

Бошида Жўжи тўғри ўйлаган эди. Шаҳарни бешикаст қўлга олмоқчи эди. Аммо урганжликлар ўз қалъаларига тиш-тирноқлари ила ёпишиб олганларидан сўнг, уларнинг ўлимга тик борганларини кўрганидан кейин, ҳужум маромини ўзгартириши, Чиғатой таклифини қўллаб шаҳарни сувга бостириб бўлса-да, забт этмоғи керакмасмиди?



Ҳужумчининг гарчи у шаҳзода бўлса-да, аразлашга ҳаққи йўқ. У олий фармонни бажармоғи шарт. Жўжи бу ақидага бўйсунмади.

У ўзи бошидан қовушмай келади. Унинг чин ўғиллиги ҳали ҳам гумон. Жўжининг кўнглига ҳам эҳтимол шу иккиланиш ин қургандир. Қўмондонликдан четлатилганини, балким шундан деб билгандир.

Хоқоннинг юраги увишди. Бир умр ота ўғлидан гумонсираб-ётсираб ўтгайми?

Шу фикридан кўнгли бир оз юмшади хоқоннинг. Дашти қипчоқни Жўжига берадиган, Урганж ва шу атрофдаги қалъалар, ер-мулкларни ҳам унга инъом этадиган бўлди. Туши тескари келиб, Жўжи саломат бўлса бас...

Ўзини енгил сезиб ўрнидан турар экан, қулоғига яна зикр садоси чалинди: «Ё ҳув, ё Оллоҳ!»

10

Ҳиндустондан хабаргир келиб Ибн Ҳожиб мактубини хоқонга топширди.

Унда Ҳиндустондаги туркий ҳукмдорларнинг аҳволи ва уларнинг ўзаро муносабатлари баён этилган, Шамсиддин Элтутмиш билан Носириддин Кубача ўртасида вужудга келган келишмовчиликлар ҳақида сўз юритилгач, бунинг Жалолиддинга қўл келаётгани борасида мулоҳазалар билдирилган эди.

«Бул парокандалик оқибатинда, – дейилганди жумладан, мактубда, – тоғликлар, хусусан, Нандан ва Пуштунистон қўшинлари Жалолиддинга қўшилмишлар ва султон лашкари кун сайин ошуб бормоқда эрурким, олди олинмас эрса, Ҳиндустон онга бас келабилмагай».

Ибн Ҳожибнинг ўзи олиб борган ишлар баёни мактубга илова қилинган эди.

Ибн Ҳожибнинг бузғунчилик ишлари хоқонга маъқул келди. Бир одам бир неча минг қўшин қилмаган ишни бажо айлагайдур. Парвон савашидан сўнг, Жалолиддин қудрати беқиёс ошган даврда Ибн Ҳожиб бир ўзи они пароканда айлади. Энди Ҳиндустонда онга чоҳ қазур. Ҳожибга вақти келиб Мовароуннаҳрнинг бир бўлагин иқто қилиб берилса бўлғай...

Мактубдаги битта сўз – «султон» атамаси хоқоннинг жаҳлини чиқарди. Алоуддин Хоразмшоҳ Жалолиддинга шоҳлик камарин бериб, сен энди Хоразмшоҳсан дегани билан ул султон бўла қолмас. Султон деганнинг пойтахти, ўз ери ва ўз тангаси бўлмоғи шарт турур. Жалолиддинда буларнинг биттаси ҳам йўқтур. Ул нетиб султон бўлсун? Аммоки, олди олинмас эрса, султон бўлур. Жалолиддинда ақл ҳам, шиддат ҳам бор турур. Тезда онинг пайин қирқмоқ шарт.

Жалолиддин устига аввал юборилганига қўшиб тағин катта қўшин жўнатишга қарор қилди хоқон.

Ўғилларини Бухорога чақиртирди.

**(Давоми бор).**

# ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ШЕЪРИЯТИДАН



Ҳижрон қафасида жон қуши дам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин,
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

***

Хулқунгни рост қилғил ҳар сориғаки борсанг,
Аҳсанга дер бори эл гар яхши от чиқарсанг.

***

Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма,
Борғонни кел эмди, ёд қилмай, эй дўст,
Бориш-келишингни лутф этиб ўксутма.

***

Эшитса киши бу шўру шеван не дегай,
Доим бу тариқ ичгани кўрган не дегай,
Душман сўзинга кирма, эшит дўст сўзин,
Эшитмаса сўзин дўст, душман не дегай.

***

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзинга токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрингки, мен
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

***

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатта киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатта киши,
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатта севинмас эмиш албатта киши.

***

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамъиятингиз борини давлат тутунгиз,
Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун,
Бир-бирни неча куне ғанимат тутунгиз.

***

Сен гулсену мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуълассену ул шуълага мен қулдурмен,
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале санга қулдурмен.

***

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топқусидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиг ҳаргиз,
Ҳар кимки, ёмон бўлса, жазо топқусидур.

# СПОРТ

## КУРСАНТЛАРНИНГ ҚИШКИ ОЛИМПИАДАСИ

**2009 ЙИЛНИНГ 19 ФЕВРАЛИДАН 22 ФЕВРАЛИГАЧА МУДОФАА ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ КУРСАНТЛАРИ ЎРТАСИДА ҚИШКИ ОЛИМПИАДА МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.**



Суратлар таҳририят архивидан олинди.

**Унда иштирокчилар махсус тактик тайёргарлик, спорт турлари ҳамда билимдонлик бўйича беллашадилар.**

**Мазкур олимпиадани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – курсантларнинг юксак маънавий, ахлоқий-руҳий ва жанговар маҳоратини янада шаклланиш, улар ўртасида мусобақадошлик муҳитини яратиш, интеллектуал салоҳияти юксак, кенг билимларга эга ва стратегик фикрловчи офицер кадрларни тайёрлашдир.**

**Курсантлар дала шароитларида муҳим топшириқларни бажариш, ҳарбий автомобилларни бошқариш, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш каби бир неча вазифаларни ҳал қилиш бўйича мусобақаларда қатнашадилар. Бундан ташқари улар биатльон, комбинацияланган эстафета, спорт ориентири ва волейбол бўйича куч синашадилар. Шунингдек, олимпиада дастуридан «Балли, йигитлар!» ҳамда билимдонлар танлови ҳам ўрин олган.**

**Олимпиадада иштирок этиш жараёнида бўлажак офицерларнинг нафақат куч, эпчиллик ва мерганлиги, балки зукколик ва топқирлик, ҳар қандай ностандарт вазиятлардан тезда чиқиб кета олиш маҳорати ҳам синовдан ўтади. Бу эса уларнинг келгуси ўқув, хизмат фаолиятларида муҳим омил бўлади.**

**Мусобақалар Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти базасида бўлиб ўтади. Олимпиаданинг барча қатнашчиларига муваффақиятлар тилаймиз!**

Актуальное интервью

## ПОДГОТОВКА ИДЕТ ПОЛНЫМ ХОДОМ

**Считанные дни остаются до начала первой зимней олимпиады среди курсантов ВВОУ Министерства обороны. О том, как идет подготовка к данным состязаниям у самих участников и на объектах, мы попросили рассказать начальника отдела физической подготовки и спорта Управления боевой подготовки ОШ ВС подполковника А. АБДУРАХМАНОВА.**

**– Как ведется подготовка к зимней олимпиаде сборных команд военных училищ?**

– На местах уже проведены отборочные соревнования. В высших военно-образовательных учреждениях составлены сборные команды. Все напряженно готовятся к предстоящему соперничеству.

**– А как идет подготовка к состязаниям спортивной и учебно-материальной базы?**

– Все работы ведутся по плану. Мы уже выезжали на места для осмотра объектов. Начальник отдела физической подготовки и спорта ЧВТКИУ подполковник Хусан Кучкаров ежедневно докладывает о проделанной работе. Можно с полной уверенностью сказать, что ко дню открытия наших соревнований все объекты будут в полной готовности.

**– В чем особенность данных состязаний и их коренное отличие от других, проводимых в войсках?**

– Целями проведения данной олимпиады являются создание высокого морально-боевого духа, атмосферы состязательности в курсантской среде, акцентирование внимания на вопросах подготовки интеллектуально развитых, широко эрудированных и стратегически мыслящих офицерских кадров.

То есть, помимо чисто спортивного аспекта, здесь очень важен момент стимулирования повышения эрудиции, роста интеллекта среди курсантов. Ведь в Обращении Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова, посвященном 17-летию Вооруженных Сил Узбекистана, особо обращено внимание на то, что **«коренного пересмотра требует деятельность высших военных образовательных учреждений по подготовке интеллектуально развитых, широко эрудированных и стратегически мыслящих офицерских кадров».** Можно сказать, что проведение зимней олимпиады среди курсантов стало одним из конкретных шагов по решению важной задачи, поставленной в Обращении главой государства.

Таким образом, в процессе участия в зимней олимпиаде будущие офицеры пройдут серьезную проверку не только в силе и ловкости, меткости ведения огня из стрелкового оружия, но и в смекалке, находчивости, умении быстро находить выход в любой нестандартной ситуации. А это станет серьезным стимулом для работы над собой в ходе дальнейшей учебы.

**– Как вы думаете, можно ли сегодня спрогнозировать имя победителя?**

– За последние годы уровень физической подготовки и интеллекта наших курсантов заметно вырос, поэтому трудно отдать кому-то предпочтение. У каждого училища имеются свои сильные стороны. Вопрос лишь в том, кто лучше сумеет ими воспользоваться. В принципе, выиграть может любая команда. Для нас главное сейчас – обеспечить объективность, и пусть победит сильнейший.

**Беседовал майор Аблай КАМАЛОВ, корр. «Ватанпарвара».**

Кикбоксинг

## МОЛОДЕЖЬ ЗАЯВИЛА О СЕБЕ

**Об уровне соперничества на открытом чемпионате Узбекистана по кикбоксингу, проходившем 6-8 февраля в столичном спорткомплексе «Жар», говорит то, что чемпион мира майор Бахтиер Норов не смог выйти в финал. Это говорит о солидном росте уровня узбекских бойцов за последние годы.**



Бахтиер был вынужден довольствоваться бронзовой наградой в весе 63,5 кг, зато его питомцы завоевали еще шесть медалей. Чемпионами страны стали Нурали Бахриддинов (54 кг), Рахматжон Исроилов (75 кг) и Шерзод Сулейманов (91 кг), серебряные медали в активе Зохида Хакимова (60 кг), Фархода Абдуназарова (75 кг) и Бахтиера Эркинова (81 кг).

Как видите, сам факт, что сразу шестеро армейских бойцов выходили на ринг в финале, говорит о солидной работе тренерского штаба МХСК. А финал в весе до 75 кг был вообще «внутриармейским».

Остается добавить, что это состязание стало отбором в главную команду страны для участия в международном турнире. Отрадно, что у чемпиона мира растет перспективная молодежь, готовая идти по его стопам.

**Наш корр.**

Срочно в номер!

## УСПЕХ АРМЕЙСКИХ БОКСЕРОВ

**Когда верстался номер, в редакцию пришло радостное известие из германского города Галле, где на международном турнире выступали в составе сборной Узбекистана армейские мастера перчатки. Двое из них вернулись домой чемпионами.**

К победам Эльшода Расулова мы уже успели привыкнуть: он становился чемпионом Азии, в минувшем году был финалистом Кубка мира. Однако в Германии Эльшод выступал не в привычной для себя весовой категории до 75 кг, а в более тяжелой, до 81 кг. И дебют получился весьма удачным. В финале Эльшод выиграл у чемпиона России. Потяжелев, Эльшод не утратил свежести движений, а удар стал еще мощнее.

В поединках супертяжеловесов с каждым турниром все громче заявляет о себе наш Сардор Абдуллаев. В минувшем году он выиграл чемпионат мира среди военнослужащих, а теперь вот новое звание чемпиона. Кстати, в финале Сардор также взял верх над россиянином.

Появление в самой престижной весовой категории нового имени говорит о том, что у наших чемпионов мира среди профессионалов растет достойная смена.

**Ермурат АЙНАТДИНОВ.**

# СПОРТ

Легкая атлетика

## ДЕТИ РАДУЮТ НАСТАВНИКОВ

**Превосходно выступили на недавнем первенстве города Ташкента по легкой атлетике представители МХСК 1996 – 97 годов рождения, наглядно подтвердив, что в армейском клубе растет достойная смена нынешним лидерам.**

Так, Александра Волосьянова защитила в беге на 60 метров третий взрослый разряд, став чемпионкой с результатом 8,5 секунды. Успешно выступила Александра и на дистанции 300 метров, заняв второе место с результатом 50 секунд.

Две медали на счету у Ксении Загоруйко: она заняла третье место в беге на 300 метров со временем 50,8 секунды, а также в прыжках в высоту, преодолев планку на 120 см.

Впервые бежала сложную для нее дистанцию 600 метров Мадина Хафизова, но проявила волю к победе и упорство, заняв второе место.

Также серебряным призером первенства города в толкании ядра стала Лаура Мартиросян, послав снаряд за шесть метров.

Успех девочек подхватили и мальчики. Хасан Арифханов стал бронзовым призером в прыжках в длину, а Марат Ибрагимов финишировал третьим в беге на 300 метров.

**Младший сержант Людмила ДМИТРИАДИ, тренер МХСК по легкой атлетике.**

Шахмат

## ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Голландиянинг Вейк-ан-Зее шаҳрида йирик халқаро турнир бўлиб ўтди.

ФИДЕ таснифидаги нуфузли мусобақалардан ҳисобланган мазкур турнирда дунёнинг 40 нафардан ортиқ «ақл гимнастикаси» усталари иштирок этдилар. Шахматчилар тўплаган рейтинг балларига кўра уч гуруҳга бўлиниб, ўзаро мусобақалашдилар.

Ҳамюртимиз – халқаро гроссмейстер, собиқ жаҳон чемпиони Р. Қосимжонов (рейтинг бали – 2687) «В» гуруҳида иштирок этди. Ушбу гуруҳдан шунингдек, Найжел Шорт (Англия), Кришнан Сашикиран (Ҳиндистон), Франсиско Вальехо (Испания), Ян Верле (Голландия) ва бошқа кучли шахматчилар ҳам жой олишган эди.

Р. Қосимжонов мусобақани муваффақиятли ўтказди. У сўнгги турларгача биринчи ўринга асосий даъвогарлардан бири бўлиб турди. Аммо сўнгги турда ҳамюртимиздан омад юз ўгирди. Шахматчимиз кутилмаганда россиялик Александр Мотилевга ўйинни бой бериб қўйди.

Мусобақа якунларига кўра, италиялик ёш шахматчи Фабиано Каруана 8,5 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Ундан ярим очко кам жамғарган Р. Қосимжонов, Найжел Шорт ва Александр Мотилев 2 – 4 ўринлардан жой олишди.

**М. ПЎЛАТОВ.**

## ЁШ СПОРТЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ёшларни Ватанга муҳаббат, аждодлар анъанасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, Қуролли Кучларимизга ҳар томонлама билимли, касб-ҳунарга эга ўғлонларни етказиб бериш борасида мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Улуғнор туман кенгашида қатор ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, давлат ва жамоат муассасалари билан ҳамкорликда ҳар йили спортнинг муайян тури бўйича кўплаб мусобақалар, туман биринчиликларини ўтказиш яхши анъанага айланган.

Яқинда ҳам ана шундай тадбирларнинг бири бўлиб ўтди. Икки йўналишда ташкил этилган мусобақаларда ёш спортчилар ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

– Тадбирда уч юздан зиёд ёш спортчилар иштирок этди, – дейди ташкилотнинг туман кенгаши раиси Озодбек Исоқов. – Икки кун давом этган мусобақалар ҳақиқий спорт байрамига айланди. Беллашувлар ғоят қизғин ва муросасиз кечди. Тумандаги болалар спорти мажмуасида биатлон мусобақалари ташкил этилган бўлса, Мингбулоқ агро-саноат коллежи стадионида «Шунқорлар» беллашуви ўтказилди.

«Шунқорлар» беллашувида талабалардан Ҳусанбой Ҳожиматов, Ҳаётбек Назаров, Закариё Омонов, Икромжон Тўраев, Равшанбек Жўраев, Билолиддин Тошканов, биатлон баҳсларида эса мактаб ўқувчилари – Гулноза Каримова, Севара Комилова, Муҳайё Йўлдошева, Сарвар Суюндиқов, Шуҳрат Камолов, Муҳаммаднодир Юсуповлар ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиб, махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Набижон ТОЖИБОЕВ, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.**

Тоғ чанғиси

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Эронда халқаро тоғ чанғиси федерацияси кубоги учун нуфузли мусобақа бўлиб ўтди. 2010 йилда Канаданинг Ванкувер шаҳрида бўлиб ўтадиган қишки Олимпиада ўйинларига рейтинг очколари жамғариб олиш имконини берувчи мазкур халқаро турнирда Осиё қитъасининг энг кучли тоғ чанғичилари ўзаро баҳс олиб бордилар.

Ёш спортчилардан ташкил топган Ўзбекистон терма жамоаси турнирда муваффақиятли иштирок этди. Наталья Шамаева, Олег Шамаев, Ксения Григорьева, Артём Воронов ва Денис Григорьевлардан иборат терма жамоамиз тўртта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритиб, ўз ҳисобларига муҳим рейтинг балларини ёзиб қўйишди.

Фигурали учиш

## ТАЖРИБА ОРТТИРИШДИ

Канаданинг Ванкувер шаҳрида фигурали учиш бўйича тўрт қитъа чемпионати бўлиб ўтди.

Осиё, Африка, Америка ва Австралия қитъаларининг энг кучли спортчилари иштирок этадиган мазкур мусобақа 1999 йилдан бошлаб анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Тўрт қитъа чемпионатининг аёллар ўртасидаги яккалик баҳсларида биринчи олтин медални ҳамюртимиз Татьяна Малинина Канаданинг Галифакс шаҳрида бўлиб ўтган дастлабки чемпионатда қўлга киритган эди.

Бу сафарги мусобақаларда Марина Аганина ва Дмитрий Зобин (жуфтлик) ҳамда Анастасия Гимазетдиновалар юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Гарчи улар бу сафар совриндорлар сафидан жой ололмаган бўлишса-да, юртимизда ривожланиб бораётган мазкур спорт тури бўйича катта тажриба алмашиб қайтишди.

Футбол

## МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Яна саноқли кунлардан сўнг футбол бўйича мамлакат чемпионати ҳам старт олади. Ҳозирда унда иштирок этувчи барча олий лига жамоалари янги мавсумга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Жамоалар ўқув-йиғин машғулотларидан ташқари, ўз таркибларини кучайтириш борасида ҳам жиддий ишларни амалга оширмоқдалар.

Жумладан, ЎФФ сайтидан олинган маълумотга кўра мамлакат чемпиони – «Бунёдкор» жамоаси ўз таркибини яна икки нафар бразилиялик футболчи билан тўлдирган. Улардан бири – Жоа Виктор Бруно таянч ярим ҳимояда тўп сурса, Эдсон да Сильва ҳимоячи вазифасини бажаради.

Ўтган мавсумда кумуш медални қўлга киритган «Пахтакор» эса сербиялик Боян Младинович билан шартнома имзолаган. Жорий мавсумда совринли ўринлардан бирини кўзлаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси ҳам тўрт нафар украиналик футболчилар билан шартнома тузган.

**П. СОБИТОВ тайёрлаган.**

Атлетический клуб будущего воина

## АТЛЕТИЧЕСКАЯ ГИМНАСТИКА – ЭТО СИЛА

**Развиваем мышцы брюшного пресса, поясницы, шеи, ног (4–6)**

Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых в стороны руках (1). Поворот туловища в сторону (2) – вдох, в исходное положение – выдох.

Исходное положение: сидя на стуле, зацепившись ногами, гантели в согнутых руках у плеч (3). Отклонить туловище назад – вдох, в исходное положение – выдох.

Исходное положение: сидя на стуле. Согнуть и разогнуть шею с гантелями, подвешенными на лямках к голове. Дыхание произвольное.

Исходное положение: основная стойка, гантели в вытянутых в стороны или в согнутых за головой руках. Присесть на одной ноге – выдох, в исходное положение – вдох (4). Смена ног.

Исходное положение: основная стойка, гантели в согнутых руках за спиной (5). Присесть в «ножницах» (6) – выдох, в исходное положение – вдох.






# МАДАНИЯТ

Навоий таваллудининг 568 йиллигига

## САЛТАНАТИ УММОНЛАРДЕК БЕПОЁН

**Марказий офицерлар саройида ғазал мулкининг султони, шеърият дарғаси, даҳо ижодкор, олим ва мутафаккир ҳамда давлат арбоби Амир Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди. Мудофаа вазирлиги ва Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда навоийшунос олимлар, талаба ёшлар, ўқитувчи-мураббийлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.**

Тадбирни Республика Маънавият тарғибот маркази бошлиғи Минҳожиддин Мирзо кириш сўзи билан очаркан, Навоий яшаб ўтган даврдан то шу кунгача неча-неча йиллар ва асрлар ўтса ҳамки, ҳамон буюк шоир ижодига қизиқиш ва ҳавас сўнмаганини, дунёнинг турли мамлакатларида унинг асарлари бугун ҳам катта эҳтиром билан ўрганилаётганини алоҳида қайд этди.

– Алишер Навоийнинг ижод дунёси мисоли чексиз уммонки, унга шўнғиган одам асло қуруқ чиқмайди. Балки ўзи учун қимматли дуру жавоҳирлар топади. Яна бир томондан ҳазрат ижоди чексиз гулзорга ҳам қиёсланадики, унга кирган кимса албатта, ўша гулзорнинг муаттар бўйларидан баҳра олмай ложи йўқ, – деди у жумладан.

Шунингдек, сўзга чиққан навоийшунос олимлар – филология фанлари доктори, профессор Суюма Ғаниева, филология фанлари доктори, академик Азиз Қаюмов ва филология фанлари доктори, профессор Ҳомиджон Ҳомидийлар ҳам Навоий ижод дунёсининг ғоят ранг-баранг ва бойлигини эътироф этишаркан, унинг асарларида бош мавзу – инсонпарварлик ғояларининг юксак тараннум этилганидир, дея бу борада қатор мисоллар келтириб ўтдилар.



Ҳа, Навоий инсонийликни, тинчликни, бунёдкорлик ва ишқ-муҳаббатни улуғлайди. Бу ёзган асарларида ҳам ёрқин акс этган бўлиб, ҳамон дунё халқлари томонидан севиб ўрганиб келинмоқда.

Академик Азиз Қаюмовнинг шоир ижод олами ва ҳаёт фаолиятининг нодир қирралари ҳақидаги қизиқарли маълумотлари барчага манзур бўлди.

– Навоий чинакам халқпарвар давлат арбоби, миллат фидойиси, илм-фан ва тараққиёт ҳомийси, Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатининг асосий таянчи эди. Саройда энг масъулиятли вазифада хизмат қилиб ва раъиятнинг ташвишларидан ортиб, шунчалик баракали ижод қила олиш – бу кишидан чексиз матонат ва жасорат талаб этади. Ҳа, ҳазрат ана шундай буюк ва бетакрор сиймо эди. У ижод билан нафас оларди ва ижод билан тирик эди. Навоийда ижодга эҳтирос бамисоли чақмоқтошнинг ичидаги учқун қандай бўлса, шундай эди. Шоирнинг ўттиз икки асари бизга маълум ва ана шу асарларининг барчаси бизгача етиб келган. Булар ичида ўша давр хаттотлари томонидан кўчирилган ва ҳазратнинг нигоҳи тушган нодир қўлёзмалар ҳам борки, бугун у бизнинг бебаҳо маънавий меросимиз, миллий бойлигимиз дурдонаси саналади, – деди академик Азиз Қаюмов.

Шунингдек, навоийшунос олимлар унинг Ватан, дўстлик, муҳаббат, мардлик ва олижаноблик мавзуларидаги асарларидан намуналар келтириб ўтдилар.

– Буюк бобокалонимиз Навоий ҳақида таниқли адабиётшунос олимларимиздан ғоят қимматли маълумотлар олдик, – дейди курсант Сарвар Мамталиев. – Менга айниқса, Навоийнинг мардлик ва ватанпарварликни улуғлаб битган шеърларидан келтирилган парчалар, жумладан, «...киши ҳарб этар, токи имкони бор» мисралари, «Садди Искандарий» достонидаги тинчликпарвар шоҳ ва ёвга қарши мардона курашиб ғолиб чиққан аёл-канизак образлари жудаям ёқди. Тадбирдан ғоят мароқландим. Навоий асарларини ўқиб, бу ҳақда янаям кўпроқ билишни ўзимга мақсад қилдим. Ҳа, Навоий халқимизнинг ғурури, фахри. Дунёни лол қолдирган буюк аждодларнинг авлоди эканимиз дилимизга чексиз фахр-ифтихор бахш этади ҳамда уларга муносиб ворис бўлиш истаги бизни доимо олға ундайди.

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари томонидан шоир ғазаллари билан айтилган куй-қўшиқлар ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Чилонзор академик лицейи ўқувчиларининг саҳналаштирилган чиқишлари тадбирга яна-да файз бағишлади.

**Катта лейтенант Дилшод КОМИЛОВ.**

## БУЮК ИНСОНПАРВАР, ТЕНГИ ЙЎҚ ШОИР

**Марказий ҳарбий округида ғазал мулкининг султони, мутафаккир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий таваллудининг 568 йиллигига бағишланган маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда навоийшунос олимлар, ҳарбий хизматчилар, олий ўқув юрти ва коллеж талабалари ҳамда ўқитувчилари иштирок этдилар.**

Анжуман аввалида Шароф Рашидов номидаги вилоят ахборот кутубхона маркази раҳбари Сайфулло Ибрагимов сўзга чиқиб, шоир ҳаёти ва фаолияти, у яшаган давр ҳақида қисқача маъруза қилди. «Алишер Навоий ўзбек халқининг бетакрор шоири, улуғ олими, жаҳон адабиётининг буюк намоёндаларидан биридир. У бутун фаолиятини мамлакат ободончилиги ва халқ фаровонлиги учун курашга, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиётига бағишлади. Шундай экан, биз мана шундай аждодларнинг авлодлари эканлигимиздан фахрланишимиз керак», деди у жумладан.

Шунингдек тадбирда талабалар ижросида саҳна кўринишлари ҳам намойиш этилди. Санъаткорлар ижросидаги Навоий ғазалларига басталанган мумтоз қўшиқлар эса тадбирга янада файз бағишлади.

– Мана шундай тадбирлар ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга, – дейди Жиззах давлат педагогика институти кафедраси мудири Муҳаммаджон Холбеков. – Ўтган аждодларимизни хотирлаш, улар қолдирган маънавий меросни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг бурчимиз. Бугунги ўтказилган тадбирдан мақсад ҳам Алишер Навоийдек улуғ шоирни яна бир бор ёдга олишдан иборат. Ўйлаймизки, тадбир иштирокчиларда унутилмас таассурот қолдиради. Чунки жаҳон маданияти тараққиётида муҳим ўринга эга, ҳаёти, ижоди дунё халқлари томонидан ҳамон катта қизиқиш билан ўрганилаётган буюк аждодимизнинг асарлари ва улардаги пурмаъно фикрлар бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган. Ушбу асарларни ўқиш эса ҳар бир инсон дунёқараши ва маънавиятини янада бойитади. Бугунги тадбир нафақат ҳарбий хизматчиларимизни, балки юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни миллий қадриятларимизни ва буюк аждодларимиз тарихини ўрганишда ва уларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, ҳарбий ватанпарварлик руҳида, маънавий баркамол этиб тарбиялашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Тадбир ниҳоясида Алишер Навоий асарларининг кўргазмаси намойиш этилди.

**Майор Шавкат ҲОШИМОВ.**

IX Умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси

## ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

**Аввал хабар берганимиздек, Қуролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 17 йиллиги арафасида Қуролли Кучлар Марказий музейида анъанавий IX Умумармия бадиий ижодиёти кўргазмаси очилган эди. Яқинда мазкур танлов ғолиб ва совриндорларини тантанали равишда тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Кўргазмага қўйилган асарларга қараб, баҳри дилингиз очилади. Айниқса, офицер Санъат Ибрагимовнинг рафиқаси Манзура Муҳиддинова томонидан тайёрланган келинлар дўпписи ва болалар чопончаси, кичик сержант Нодиржон Маъруфов ишлаган сопол ликопчалар, Насриддин Афанди ҳайкали, ганчдан тайёрланган давлатимиз герби, сополдан тайёрланган «Минораи Калон» ҳайратингизни оширади.

– Мен ҳам ўз ижод намуналарим билан мазкур танловда иштирок этдим, – дейди Қуролли Кучлар хизматчиси Фируза Кулиева. – Ёшлигимдан зардўзлик санъатига қизиқиб, шуғулланиб келганман. Танловга тақдим этган асарларим комиссия томонидан юқори баҳоланди. Бу менга янада куч бағишлаб, келгусида янгидан-янги зардўзлик намуналарини яратишга ундади.

– Кўргазмага қўйилган ижодий ишларни катта қизиқиш билан томоша қилдим, – дейди оддий аскар Бобур Каримов. – Айниқса, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари Гулрухсор Ҳайдарова, Лазиз Шараповларнинг бадиий ижод ишлари менда ва сафдошларимда катта таассурот қолдирди.

Кўргазма иштирокчиларининг бадиий ишлари Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академияси мутахассислари иштирокидаги махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилиб, танлов ғолиб ва совриндорлари аниқланди.

Унга кўра, фахрли 1-ўрин муддатли ҳарбий хизмат оддий аскари Даврон Отабоевга насиб этди. Иккинчи ўринни сержант Маъруф Бадалов ва кичик сержант Ҳабибжон Мамажоновлар қўлга киритишган бўлса, учинчи ўринга офицер Жамшид Ёдгоровнинг рафиқаси Саодат Нарзиева ҳамда курсант Насрулло Абдановлар сазовор бўлишди. Шунингдек, офицерлар Шавкат Алимов, Иқбол Илҳомов, Қуролли Кучлар хизматчилари Бахтиёр Алимов, Чарос Хўжарова, Надежда Фирсова, 171-мактаб ўқитувчиси Дилбар Склярова, ҳарбий хизматчилар фарзандларидан Элина Миргалаутдинова, Гулрухсор Ҳайдарова ва Лазиз Шараповлар ҳам совриндорлар сафидан жой олишиб, Мудофаа вазирлигининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

– Мазкур танловда бизнинг сержантлар тайёрлаш мактабидан ҳам бир қатор иштирокчилар ўз ижод намуналари билан қатнашиб, яхши натижаларга эришишди, – дейди ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмаси бошлиғи, Қуролли Кучлар хизматчиси Дилрабо Кубакова. – Айниқса, сержант Отабек Норовнинг рафиқаси Умида Ҳасанова томонидан тайёрланган Шаҳрисабз дўппилари кўпчиликка манзур бўлди.

Ҳа, мазкур танлов йилдан-йилга такомиллашиб, янгидан-янги истеъдодларни, такрорланмас бадиий ижод намуналарини кашф қилиб, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, миллий анъаналаримизга ҳурмат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Аҳрор РАЖАБОВ.**
**Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган.**



ВАТАНПАРВАР

Муассис – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги | Учредитель – Министерство обороны Республики Узбекистан

МУАССИС КЕНГАШИ: Тоҳир ҲАМРОҚУЛОВ – кенгаш раиси, Раҳимжон НУРНАЗАРОВ, Олим ҚЎЧҚОРОВ, Алишер МУИНОВ, Нурмуҳаммад МУЛЛАБОЕВ, Шуҳрат ТЎХТАЕВ, Абдусаттор ЭРГАШЕВ, Қурбон АМИНЖОНОВ, Олимжон ЗАНЖИРОВ, Ҳикмат НАСРИДДИНОВ.

Бош муҳаррир подполковник К. МИРГАЛАУТДИНОВ.
Шу сонга масъуллар: майор А. УСМОНОВ, майор А. КАМАЛОВ.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган. ISSN 2010-5541.

Телефонлар: навбатчи – 256 09 81; обуна бўлими – 256 03 46. Факс: 256 17 98.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Р. Ислакаев ва З. Хошимов томонидан саҳифаланди.

Газета жума куни чиқади. | Адади 27000

Пашр кўрсаткичи 114. | Буюртма № 1-6903.